Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 10 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 3 (7000)

Da'vat

Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик — зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.

Алишер НАВОИЙ

Ibrat

Хоразм вилояти ҳокимлиги маданий-маърифий ишларни яхши йўлга қўйиш бўйича кўрик-танлов ўтказди. Унда Хива шаҳрига 1, Урганч шаҳрига 2 ва Хонқа туманига 3-ўринлар муносиб кўрилди.

Ғолибларга 100 минг сўмгача пул мукофоти берилди.

*** Педагогнинг ахборот билан таъминланганлиги аҳамияти**

*** Газетамиз шу йилдан эллик уч минг нусхада чоп этила бошлади**

*** «Маърифат»нинг етти мингинчи сони қўлингизда**

Jarayon

«Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири — «Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш» эканлигига алоҳида урғу берилган. Жумладан, таълим муассасаларида бу маконни юзага келтириш «замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бориши» билан амалга оширилиши ҳақида гап кетиб, бу ишда «оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади», дея таъкидланган.

Ҳамда қўпнусхалилиги билан газеталар фаолияти асқотади. Дейлик, фан ва техникада оламшумул бир янгилик яратилди. Табиийки, унинг дарсликлардан жой олиши учун бир неча йиллаб вақт кетади. Газета орқали эса бу ихтиродан ўқитувчи бир-икки кун орасида хабардор бўлиши ҳамда ўз ўқувчиларига уни вақтида етказа олиши мумкин. «Маърифат» газетаси мисолида бу борада олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида айтадиган бўлсак, бир талай рукнлар мавжудки, уларда мунтазам равишда бу каби янгиликлар ҳамда ўтмиш аждодларимиз илмий меросларн ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўқитувчиларга ёрдам», «Дарслигингизга қўшимча саҳифалар», «Аждодларимиз меросидан», «Иқтисод сабоқлари», «Ҳуқуқий билимларни ўрганамиз», «Янги узбек ёзувини ўрганамиз» каби қўплаб рукнлар остида барча фан ўқитувчилари учун зарур бўлган маълумотлар бериб борилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнига қўплаб янгиликларнинг кириб келаётганлиги жойларда турли тажриба-синов майдончаларининг пайдо бўлишига зарурият туғдирмоқда. Уларда таълим беришнинг янги технологиялари, дастурлари ҳамда шаклари амалда қўлланилиб, таҳлил этилиб, маъқуллари оммалаштирилмоқда. Ушбу тажриба-синов майдончалари қамровини кенгайтиришда, уларни қўпчилик фойдалана оладиган тарзда барча таълим муассасаларига етказишда ҳам матбуотнинг ўз ўрни бор. Педагог-журналистнинг ўзига хос касбий маҳорати ҳам айнан шунда билинади. Чунки олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб маъзини чақмай туриб, таълим-тарбия ишини юзаки ўзлаштириб, маълум бир тажриба-синов хусусида хулоса чиқариш, унга холис баҳо бериш мумкин эмас. Педагогик нашрлар ходимлари ўртасида мутахассислар томонидан олиб борилаётган турли суҳбатлар, дарслардан кўзланган мақсад ҳам имкон қадар журналистларнинг бу жараёндаги иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу тадбирлар газетамиздаги «Тажриба, синов, натижа», «Бир соатлик дарс» каби рукнлар остида берилаётган илғор тажрибаларни, маҳоратли педагогларнинг дарс бериш услубларини ёритишимизда, улар мазмундорлигини таъминлашимизда асқотмоқда.

Мақола бошида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишда педагогларнинг имкон қадар кўпроқ ахборотга эга бўлиши лозимлиги айтиб ўтилганди. Бу ўринда нафақат унинг ўз фани доирасидаги, балки барча йўналишдаги янгиликлардан, сиёсий воқеалардан бохабарлиги назарда тутилади. Чунки ахборот асри бўлади, дея башорат қилинаётган XXI асрга ҳадемай қадам босамиз. Ўқитувчи эса ҳамиша олдинда, замон билан қадам-бақадам юриши лозим. Шундагина у замонавий билимларга эга, энг сўнгги ахборот ва янгиликлардан хабардор бўлган чинакам устоз, билгон мураббий бўла олади. Албатта, бу эҳтиёжни педагогларимиз ҳис этган ҳолда ахборотнинг қулай, тезкор ва шу баробарида абадий манбаи бўлган матбуот нашрларига обунани кўнгилдагидек ўтказишди. Янги йилда бизнинг ўқувчиларимиз сони ҳам 53 мингдан ошиб кетди. Бу, албатта, республикамиздаги умумий ўқитувчилар сонига нисбатан анча кам кўрсаткич бўлса-да, бизни қувонтирадиган жиҳати шуки, таълим-тарбия муассасаларининг кўпчилиги педагогик нашрларга 2, 3 тадан обуна бўлишган. Демак, ҳар бир ўқитувчининг бу нашрларни ўқишига имкон яратилган. Айниқса, бу борада Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, деярли барча таълим муассасалари матбуот нашрларини йил бўйи оладиган бўлишди. Таълим муассасаларини ўз оталиғига олган корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари асосан уларнинг хўжалик ишларига кўмак бўлишиб келаётган эди. Бу йил ушбу саховатли кишиларнинг обуна жараёнига ҳам иштироклари бизни таъсирлантирди. Жумладан, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Наслли парранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Парда Аширбоев ўз оталиғидаги мактаб ва боғчаларнинг кам таъминланган ўқитувчиларидан 32 нафарини «Маърифат» газетасига обуна қилди. Шундайин эзгу ишга Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Азамат» кўп тармоқли фирма бошлиғи Азамат Ҳасанов ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Халқ таълими вазирлиги таълим-тарбияга қайишган бу иккала ҳомийни ҳам «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони билан тақдирлади. Бу ҳолни юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия иш барчанинг ишига айланиб бораётганлигидан дарак, деб изоҳласак бўлади.

Дарвоқе, бугун газетамизнинг етти мингинчи сони қўлингизда. Биз ушбу юбилей сонимизни шундайин бир ҳур ва озод кунларда Сизларга улашганимиздан баҳоят мамнунмиз. Мамлакатимизнинг мустақил давлат, деб эълон қилиниши арафасида, яъни 1 августда илгари «Ўқитувчилар газетаси» дея номланиб келган газетамизнинг «Маърифат», дея атала бошланганида ҳам рамзий маъно бор. Чинакам шарқона одоб-ахлоқ, таълим-тарбия мужассамлигининг яхлит ифодаси бўлган бу сўз замиридаги олам-олам маънони ўзида акс эттиришни мақсад қилиб олган «Маърифат» ҳамиша қалбларингизга нур олиб кирсин. Доимо бирга бўлайлик, азизлар!



Республикамиз ўқувчиларининг қишки таътили жуда сермазмун ўтаётир. Гап шундаки, жойларда ташкил этилган тадбирларда Қорбобо ва Қорқизлар иштироки жажжи болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда. Айниқса, Мустақиллик майдонида уюштирилган миллий дорбоз ўйинлари, ҳар хил театрлаштирилган томошалар, масхарабозлар чиқишлари, Қорбобонинг совға улашишлари ўғил-қизлар ҳайратига ҳайрат қўшаяпти. Хуллас, бир неча кундан кейин билим масканлари ўқувчилари катта таассуротлар оғушида таълим олишни давом эттирадилар.

Абдул ҒАНИ ЖУМА олган суратлар.

МИЛЛИЙ ДАСТУР ВА АХБОРОТ

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида бошланиб кетган шаклан ва мазмунан туб ислоҳотларнинг амалга ошувида оммавий ахборот воситаларининг, хусусан матбуотнинг иштироки қандай бўлади? Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандайин ислоҳот, янгиланиш моҳияти, матбуотнинг теран таҳлилисиз, холис хулосасиз, таъсирчан сўзсиз унинг бевосита амалга ошувини таъминловчи ижрочилар, қолаверса омма онгига ҳеч қачон сингишмайди. Шуни назарда тутган ҳолда газета ва журналларнинг, радио ва телевиденининг биринчи галдаги вазифаси таълимда ислоҳотларнинг боришида асосий ҳужжат бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ташвиқотини кенг миқёсда ташкил этишдан иборат, деб ўйлаймиз. Айниқса, ўтиш даври деб белгиланган биринчи босқичда бу ишнинг қанчалик даражада самарали ташкил этилиши, кейинги босқичларнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. Таълим тизимининг ўзгаришидан кўзланган асосий мақсад, яъни унда кенг жамоатчиликнинг иштирок этишини ташкил этиш ҳам айнан шу тарғибот, тушунтириш ишларининг сифатига боғлиқ.

Бошқа матбуот нашрларидан фарқли ўлароқ, бу жараёнда кундалик иши таълим-тарбия соҳаси бўлган газета ва журналларнинг бу борадаги масъулиятлари эса янада улканроқ. Негаки, улар бу ишнинг нафақат ташкилий, балки мазмуний жиҳатлари билан ҳам шуғулланишади. Маълумки, таълим мазмунининг янгиланишини таъмин этувчи дарсликларни яратиш тез кунларда битадиган иш эмас. Бу ўринда, айниқса, ўз тезкорлиги ҳамда қўпнусхалилиги билан газеталар фаолияти асқотади. Дейлик, фан ва техникада оламшумул бир янгилик яратилди. Табиийки, унинг дарсликлардан жой олиши учун бир неча йиллаб вақт кетади. Газета орқали эса бу ихтиродан ўқитувчи бир-икки кун орасида хабардор бўлиши ҳамда ўз ўқувчиларига уни вақтида етказа олиши мумкин. «Маърифат» газетаси мисолида бу борада олиб борилаётган ишлар ва келгусидаги режалар хусусида айтадиган бўлсак, бир талай рукнлар мавжудки, уларда мунтазам равишда бу каби янгиликлар ҳамда ўтмиш аждодларимиз илмий меросларн ҳақида ҳикоя қилинади. «Ўқитувчиларга ёрдам», «Дарслигингизга қўшимча саҳифалар», «Аждодларимиз меросидан», «Иқтисод сабоқлари», «Ҳуқуқий билимларни ўрганамиз», «Янги узбек ёзувини ўрганамиз» каби қўплаб рукнлар остида барча фан ўқитувчилари учун зарур бўлган маълумотлар бериб борилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнига қўплаб янгиликларнинг кириб келаётганлиги жойларда турли тажриба-синов майдончаларининг пайдо бўлишига зарурият туғдирмоқда. Уларда таълим беришнинг янги технологиялари, дастурлари ҳамда шаклари амалда қўлланилиб, таҳлил этилиб, маъқуллари оммалаштирилмоқда. Ушбу тажриба-синов майдончалари қамровини кенгайтиришда, уларни қўпчилик фойдалана оладиган тарзда барча таълим муассасаларига етказишда ҳам матбуотнинг ўз ўрни бор. Педагог-журналистнинг ўзига хос касбий маҳорати ҳам айнан шунда билинади. Чунки олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб маъзини чақмай туриб, таълим-тарбия ишини юзаки ўзлаштириб, маълум бир тажриба-синов хусусида хулоса чиқариш, унга холис баҳо бериш мумкин эмас. Педагогик нашрлар ходимлари ўртасида мутахассислар томонидан олиб борилаётган турли суҳбатлар, дарслардан кўзланган мақсад ҳам имкон қадар журналистларнинг бу жараёндаги иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу тадбирлар газетамиздаги «Тажриба, синов, натижа», «Бир соатлик дарс» каби рукнлар остида берилаётган илғор тажрибаларни, маҳоратли педагогларнинг дарс бериш услубларини ёритишимизда, улар мазмундорлигини таъминлашимизда асқотмоқда.

Мақола бошида «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишда педагогларнинг имкон қадар кўпроқ ахборотга эга бўлиши лозимлиги айтиб ўтилганди. Бу ўринда нафақат унинг ўз фани доирасидаги, балки барча йўналишдаги янгиликлардан, сиёсий воқеалардан бохабарлиги назарда тутилади. Чунки ахборот асри бўлади, дея башорат қилинаётган XXI асрга ҳадемай қадам босамиз. Ўқитувчи эса ҳамиша олдинда, замон билан қадам-бақадам юриши лозим. Шундагина у замонавий билимларга эга, энг сўнгги ахборот ва янгиликлардан хабардор бўлган чинакам устоз, билгон мураббий бўла олади. Албатта, бу эҳтиёжни педагогларимиз ҳис этган ҳолда ахборотнинг қулай, тезкор ва шу баробарида абадий манбаи бўлган матбуот нашрларига обунани кўнгилдагидек ўтказишди. Янги йилда бизнинг ўқувчиларимиз сони ҳам 53 мингдан ошиб кетди. Бу, албатта, республикамиздаги умумий ўқитувчилар сонига нисбатан анча кам кўрсаткич бўлса-да, бизни қувонтирадиган жиҳати шуки, таълим-тарбия муассасаларининг кўпчилиги педагогик нашрларга 2, 3 тадан обуна бўлишган. Демак, ҳар бир ўқитувчининг бу нашрларни ўқишига имкон яратилган. Айниқса, бу борада Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Наманган вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида уюшқоқлик билан ҳаракат қилишиб, деярли барча таълим муассасалари матбуот нашрларини йил бўйи оладиган бўлишди. Таълим муассасаларини ўз оталиғига олган корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари асосан уларнинг хўжалик ишларига кўмак бўлишиб келаётган эди. Бу йил ушбу саховатли кишиларнинг обуна жараёнига ҳам иштироклари бизни таъсирлантирди. Жумладан, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Наслли парранда» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Парда Аширбоев ўз оталиғидаги мактаб ва боғчаларнинг кам таъминланган ўқитувчиларидан 32 нафарини «Маърифат» газетасига обуна қилди. Шундайин эзгу ишга Сурхондарё вилояти Узун туманидаги «Азамат» кўп тармоқли фирма бошлиғи Азамат Ҳасанов ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Халқ таълими вазирлиги таълим-тарбияга қайишган бу иккала ҳомийни ҳам «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони билан тақдирлади. Бу ҳолни юқорида таъкидлаганимиздек, таълим-тарбия иш барчанинг ишига айланиб бораётганлигидан дарак, деб изоҳласак бўлади.

Дарвоқе, бугун газетамизнинг етти мингинчи сони қўлингизда. Биз ушбу юбилей сонимизни шундайин бир ҳур ва озод кунларда Сизларга улашганимиздан баҳоят мамнунмиз. Мамлакатимизнинг мустақил давлат, деб эълон қилиниши арафасида, яъни 1 августда илгари «Ўқитувчилар газетаси» дея номланиб келган газетамизнинг «Маърифат», дея атала бошланганида ҳам рамзий маъно бор. Чинакам шарқона одоб-ахлоқ, таълим-тарбия мужассамлигининг яхлит ифодаси бўлган бу сўз замиридаги олам-олам маънони ўзида акс эттиришни мақсад қилиб олган «Маърифат» ҳамиша қалбларингизга нур олиб кирсин. Доимо бирга бўлайлик, азизлар!

Taraddud

Янги алифбодаги дарсликлар тайёрми?

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси аста-секин турмушимизга сингиб бормоқда. Дастлабки босқич, табиийки, бу ёзувни таълим муассасаларида ўрганиш ва қўллаш билан боғлиқ.

Галдаги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 5-синфлари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўқишни бошлайдилар.

Республика Халқ таълими вазирлиги ўрта умумий таълим бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 1998—99 ўқув йилида 5-синфлар сони Самарқанд вилоятида 3103 та, Тошкент вилоятида 2503 та, Фарғонада 2636 та, Андижонда 2197 та, Бухорода 1399 та, Қашқадарёда 2574 та ва ҳоказо. Фурсат яқин. Дарслик ва ўқув қўлланмаларини янги ўқув йилига қадар тайёр қилишга улгура оламизми?

Таълим муассасаларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминловчи масъул идора — республика таълим марказида ишлар тиғизлашди. Марказ директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш бўйича белгиланган давлат дастурини бажариш, албатта, осон кечаётгани йўқ. Бу йил мактабларнинг 4-синфида ўқиётган ўқувчилар келаси йили 5-синфга ўтишларини ҳисобга олсак, вақт жуда қисқа эканлигини англаш қийин эмас.

Марказимизнинг барча бўлимларида муаллифлар билан ишлашнинг маълум тажрибаси вужудга келган. Биз ана шу тажрибага таянган ҳолда, ўқув режасига киритилган дарсларни лотин алифбосида тезлик билан тайёрлаб бериш тадбирларини белгиладик. Таҳлил қиладиган бўлсак, бу учта жараённи ўз ичига олади.

Биринчиси: илмий-методик кенгаш йиғилишларида кўриб чиқилган, босишга тавсия этилган 6 та дарслик ва қўлланмалар босмахонада. Булар «Она тили», «Математика», «Рус тили», «Хизмат кўрсатиш меҳнати», «Ганчкорлик» каби китоблардир.

Иккинчиси: «Математикадан масалалар тўплами», «Немис тили», «Эски ўзбек ёзуви» бўйича чоп этишга тавсия қилинган дарслик ва қўлланмалар компьютерда терилмоқда.

Учинчиси: «Ватан тарихи», «Жаҳон тарихи» дарсликлари муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилаяпти.

Дарслик ва қўлланмаларни янги ўқув йилига қадар тахт ҳолга келтиришга нафақат бизнинг марказ, балки «Ўқитувчи» нашриёти ҳам масъулдир.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР МАНБАИ
2-бет

БАЙТУЛЛОҲ ХУСУСИДА МУХТАСАР МАЪЛУМОТ
4-бет

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституция 93-моддасининг 9-банди ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Бўритош Мустафоев ваколат муддати тугаганлиги сабабли қайта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчилик ваколати тугаганлиги муносабати билан Молдованинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Николае Дудэуни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтда қурилиб, ишга туширилган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг йигирма икки қаватли янги биносини кўздан кечириб, банк ходимлари ва мижозлар учун қулай шароит яратилганлигини таъкидлаб, уни янада кўркамлаштириш учун қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди.

• «Шарқ тароналари» биринчи халқаро мусиқа фестивалини ҳамда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тантаналарини ўтказишда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан ҳукуматимизнинг орден, медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан мукофотландилар.

• Эрон ва Тожикистон мудофаа вазирлари томонидан икки мамлакат ўртасида ҳамфикрлик ва ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

• Россия Президенти Б. Ельцин ва Германия канцлери Хелмут Кол ўртасида 20 дақиқа давом этган ўзаро сим орқали мулоқотда иккала мамлакатнинг ўтган йилги ҳамкорлиги натижалари ҳамда Россия — Франция — Германия «учлиги» раҳбарларининг учрашувига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Исроил ташқи ишлар вазири, «Гешер» партияси раҳбари Давид Леви араблар билан музокараларда Бош вазирнинг тутган йўлига норозилиги исботи сифатида истеъфога чиққач, унинг вазифасини бош вазир Бенямин Нетаняху ўз зиммасига олди.

«ОЧИҚ ДАРС ЎТИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН»

(Бир домланинг шу қарорга келганлиги ушбу мақоланинг ёзилишига сабаб бўлди)

Албатта, у домла нега бу қарорга келганлигини маълум маънода исботлаб берган. Таълим муассасаларида очиқ дарсларнинг номига ўтказилаётганлиги, унга ўқитувчининг олдиндан тайёргарлик кўриши, ундан кўзланган мақсаднинг бемаънилигини, режада белгиланганидек, 2—3 марта ўтилиши лозим бўлган очиқ дарс билан ўқитувчи ҳақида холис хулоса чиқариш мумкин эмаслигини бунга сабаб қилиб кўрсатган. Хулосада эса аслида барча дарслар ҳам очиқ дарс бўлиши лозимлиги айтилган. Домланинг қатъий қарорга келишига сабаб бўлган юқоридаги жиҳатларга мен ҳам қўшиламан. Боиси, ўқувчилик давримизда бундайин «очиқ дарс»ларда кўп ўтирганмиз. Одатда ўқитувчи бир-икки ҳафта олдин бундан огоҳ этиларди шекилли, ўшандан бошлаб биз билан «машқ»ни бошлаб юборарди. Мавзу ҳам аниқ бўлиб, берилажак саволлар «эгалик» қилинар, «қовун туширадиган»ларга ўша куни жавоб ҳам берилларди. 45 дақиқалик дарс шунчалик «пишиқ-пухта» тайёрланардики, ўзига хос «саҳна асари» даражасида театрлаштирилган томошада ҳаттоки, бир ҳажвияда айтилганидек, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги нозик мулоқот бармоқларни кўрсатиш билан сирланарди. Маълум бир давр мобайнида бир жамоа бирлигини ҳосил этган синфга «бегона»нинг кириши ундаги психологик ҳолатни табиий равишда ўзгартиради. Биз ҳам «очиқ дарс»да гўёки ортимизда ёв бордек, зўриқиш билан ўтирардик. Ўқитувчининг эса ўзидан ўтгани ўзига маълум.

Шу ўринда яна бир таклифни ўртага ташлаб ўтсак. Туман халқ таълими бўлимларидаги назоратчи (инспектор)ларни, услубчиларни педагогик маслаҳатчи ҳамда услубчи-маслаҳатчи, деб аташ лозимга ўхшайди. Нега десангиз, мактабга туман халқ таълими бўлимидан ким келса «комиссия» келди, деган ваҳима бошланади. Аслида эса улар мавжуд камчиликларни, муаммоларни бартараф этишда маслаҳатгўй, ёрдамчи сифатида мактабга келишлари керак. Боиси барча таълим-тарбия соҳаси ходимларининг мақсади бир.

Хўш, шундай бўлгач, «очиқ дарс»дан кўзланган мақсадга, яъни ўқитувчининг ўз фанини қанчалик даражада билишини, унинг услубини, умуман олганда педагогик хислатларини аниқлаш мумкинми? Албатта, йўқ. Мумкин бўлганда ҳам кузатилган натижа ҳеч қачон холис, ҳаққоний бўлмайди. **Агар шундай бўлса, «очиқ дарс»нинг ҳечам кераги йўқ.**

Қандай бўлса фойдали бўлар эди, деган саволни қўяйлик-да, унга жавоб беришга уриниб кўрайлик. Аввало очиқ дарсга мақсадни оқилона юклаш зарурга ўхшайди. Негаки, айтиб ўтганимиздек бунда ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси (юқорида таъкидланганидек зўрма-зўракилик билан эмас) муҳим аҳамиятга эга экан. Демак, очиқ дарс ўтиш учун ўқитувчи тажрибали, ўз фани билимдони ҳамда ўз ўқувчиларида ҳар қандай шароитда эркин мулоқотга киришиш кўникмасини ҳосил этган бўлиши лозим. Шундагина синфхонада ишчан ҳолат юзага келиб, унда нафақат мактаб директорининг, балки халқ таълими вазирининг ўтириши ҳам бу вазиятга халал бермайди.

Педагогик гастрол, дейиш эриш туюлса-да, мен унинг гувоҳи бўлганман. Тошкентга машҳур педагог Шалва Аманашвили

(Давоми 2-бетда)

МИМ

ХАБАРЛАРИ

ЕТТИ ДАРС САБОҒИ

Чортоқ туманидаги 31-мактабга тупланган бошланғич синф ўқитувчилари ушбу кун улар учун фойдали ўтгани, вақтлари зое кетмаганини айтиб, семинар ташкилотчиларига ташаккур билдиришди. 70 нафарга яқин мураббийлар мактабда еттита ноанъанавий дарсни кузатишди. Иккинчи синф «Ўқиш китоби»даги «Ҳосил байрами» матни асосида ташкил қилинган байрам дарси, синфда ўтказилган саҳналаштирилган дарс, мушоира дарси, саёҳат дарси, айниқса ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди. Семинар охирида ўқитувчилар «Биринчи синфга келувчи болаларни мактабга тайёрлаш» мавзусида маъруза тинглашди ва биринчи синф ўқувчиларининг «Алифбо» байрами»ни томоша қилишди. «Алифбо байрами»га ташриф буюрган ота-оналар ва ҳомий ташкилот вакиллари ўқувчилар ва ўқитувчиларга ўз совғаларини топширишди.

Ўрмонжон МЎМИНОВ

МАКТАБДА ТАРИХ — ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

Гурлан туманидаги 16-мактаб илғор илм масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда тарих-ўлкашунослик музейи ташкил этилганлигига чорак асрдан ошиб кетди. Музейда 1000 дан зиёд ҳар хил экспонатлар мавжуд. Уларнинг бир қисми Хивадаги тарих-ўлкашунослик музейига совға қилинган. Тарих дарслари музейда утилаётганлиги ўқувчиларнинг утмишни эъзозлашига, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат этмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ

ЕТАКЧИЛАР СЕМИНАРИ

Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига қарашли 8-ўрта мактабда туман мактаблари етакчиларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари шу мактаб етакчиси Имомхўжа Турахўжаевнинг мактабда олиб бораётган иш тажрибаларини ўрганишдилар. Айниқса, қатнашчиларни янги «Таълим тўғрисида»ги Қонунни мактабда қандай бажарилаётганлиги қизиқтирди.

Семинарнинг иккинчи қисми давра суҳбати тарзида кечди. Унда шу мактаб директори Шавкатбек Носиров мактабда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш борасидаги ишлари ҳақида семинар қатнашчиларига сўзлаб берди ҳамда тумандаги 25-мактаб етакчиси О. Каримов, 2-мактаб етакчиси У. Йўлдошевалар ҳам йиғилишда мулоҳазаларини билдирдилар.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

ХАБАРЛАРИ

«ОЧИҚ ДАРС ЎТИШНИ ХОҲЛАМАЙМАН»

(Боши 1-бетда)

келиб, пойтахт мактабларидан бирида бошланғич синф болаларига бир соат саҳнада дарс берганди ўшанда. Аманашвили дарс бошида болаларга **анорнинг расмини кўрсатиб, мана бу «олма» дейди.** Табиийки, болалар расмдаги анор эканлигини яхши билишади ва ҳаммаси чуғурлашиб **ўқитувчисининг «хатосини» тузатишади.** Доскага ёза туриб, **атайин бир ҳарфни туширib қолдиради.** Яна **ўқувчилар бирваракайига «хатони» тузатишга киришади.** Улар бу **«топқирлиги»** учун ўқитувчисидан сийлов олишгач, бемалол у билан мулоқотга киришади. Бир сўз билан айтганда, **болалар «обдон қиздирилади». Натижада ўқитувчи ўқувчиларнинг билимдон, ақлли, доно «тенгдошига» айланади.** Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги **психологик тўсиқ шу билан барҳам топиб, синфхонада чинакам ишчан ҳолат юзага келади,** бола маълум маънода ўзини-ўзи ўқита бошлайди. Бу билан демоқчиманки, бир соатлик дарсни ҳақиқий саҳна асарига айлантириш мумкинки (ўшанда каттагина зал одамга лиқ тўла эди), ундан иштирокчилар ҳам, томошабин ҳам маънавий, руҳий озуқа олиб чиқсин. Бунинг учун, албатта, «талантли режиссёр», яъни моҳир педагог бўлиш даркор. Демак, ҳар бир ўқитувчи ҳам, дарс ўтаётганда «эшигини очиб» қўёлмас экан. Мақсадга аниқлик киритилаяпти чоғи. «Очиқ дарс»лардан тажриба мактаби сифатида фойдаланиш мумкин экан. Бунга зарурият ҳам бор. Ҳозирда йўлга қўйилиши бир оз қийин кечаётган «Устоз-шогирд» мактабининг улар муҳим бир дарсхонасига айланарди. Ёш педагогларнинг малакаларини оширишда илк босқич вазифасини ўтарди. **Шундай бўлса, очиқ дарслар керак.**

Хўш, «очиқ дарслар» мақсадини ўзгартирдик, лекин ундан шу пайтгача кўзланган мақсад нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Аввало шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, ўқитувчининг билимини, педагогик маҳоратини, инсоний фазилатларини бу тарзда аниқлаш самарасиз йўл. Ҳозирда бу каби жиҳатларни аниқлайдиган кўплаб тестлар мавжуд. Уларнинг янада такомиллашган «авлодлари»ни яратиш устида иш олиб борилмоқда. Қолаверса, мактаб директорининг, илмий бўлими мудирининг доимий дарс кузатувлари ҳам ушбу вазифани бажариши мумкин. Аслини олганда, мактабни бир тирик механизм десак, унинг фаолиятини бошқариб турган мактаб раҳбарларига унинг ҳар бир аъзоси, яъни ўқитувчилари қай маромда ишлаётганлиги маълум бўлиши керак. Шундагина улар кўзланган манзилга ёруғ юз билан етиб боришади.

Абдусамат РАҲИМОВ

1998 yil — Oila yili

ОНА, БЕШИК, ВАТАН

Мана, 1998 йилни йўлбошчимиз «Оила йили» деб эълон қилдиларким, бу юртимизда мустаҳкам оилаларнинг кўпайишига замин ҳозирлайди. Оиланинг замирида инсон ётади, бу мустақил Ўзбекистонимиз ҳукуматининг ҳар бир оила тимсолида ҳар бир инсон тақдирига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Оилада фарзанд туғилди. Энг қувончли ҳодиса. Уни авайлаб бешикда катта қиламиз. Шунда ором олади. Она ва бешик ҳамиша ёнма-ён. Чақалоқ кўз очган куниёқ онасининг муаттар ҳидини туяди, шу кундан бошлаб ўз бешигини танийди, у ҳатто бегона аёл қучоғида ётсираши, қўшни бешикда ухламаслиги мумкин. Уни биз жойсиради, деймиз. Йўқ, у ўз онасининг бағрини, ўз бешигини, яъни Ватанини қўмсайди. Шунда ўйлаб қоламиз. Она Ватан дейишимиз боиси ҳам шундан бўлса, ажаб эмас.

Фарзанд аста-секин улғайиб ҳовлига чиқади, ўз кўчасида ўйнайди, ўртоқлари билан уришиб қолса, ўз ҳовлиси эшиги олдида у ўзини қандайдир кучли ҳис қилади. Яъни у унинг суянган уйи — Ватанидир.

Вояга ета борган сайин ана шу бир кичкина бешикдан бошланган Ватан сарҳадлари кенгая боради. Энди болакай бутун борлиғи билан унинг тупроғини кўзига суртади. У энди кўча эшиги олдида эмас, Ватанимизнинг турли жойларида она юртини ҳар қандай иссиқ-совуқдан асрайди.

Ўзбекистонимизнинг ҳар бир вилоятидаги оилалар тинч-тотув бўлсалар, юртимиз янада равнақ топади. Ахир, улкан дарахтнинг илдизлари қанчалик бақувват бўлса, у янада гуллаб-яшнайди. Эр-хотин бир-бири билан иноқ, аҳил, пок бўлиб яшаса, фарзандлар ҳам аҳил бўлиб вояга етадилар. Зеро, барча эзгу ишлар поклик пойдеворида қад ростлайди.

Ривоят қилишларича: «Бир йигит сувда балқиб оқиб келаётган қип-қизил олмани ушлаб олибди. Ушлаб олибдию бир тишлаб ўйлабди: мен буни эгасидан сўрамасдан тишладим. Ҳали эгаси бу олманинг эвазига менга қандай жазо бераркин, деб ариқ ёқалаб кетаверибди-кетаверибди. Шунда йўл охирида бир олма дарахти қип-қизариб пишган мевалари юкидан ариқ томон эгилиб турган экан. Нуроний киши эшикдан чиқиб, йигитга қарабди: унинг қўлида яримта олма, у салом бериб, гуноҳкор одамдай бош эгиб «Ана шу олмангизнинг ярмини сиздан сўрамай еб қўйдим. Унинг эвазига нима қилсам рози бўласиз?» — дебди.

Отахон ҳам йигитнинг покҳалоллигини тушуниб, «Менинг бир қизим бор. Икки кўзи кўр, гунг, қўл-оёғи шол, шу қизимга уйланасиз, сўнгра рози бўламан», дебди. Йигит ҳам яримта олманинг қарзи учун қўйилган шартга рози бўлибди, аммо қиз отаси айтгандай эмас, тўрт мучаси соғ, парирухсор экан. Вақти-соати етиб, улардан фарзанд туғилибди. У етти ёшидаёқ зукко, билимдон, ҳеч ким жавоб тополмаган саволларга ҳозиржавоб бўлиб вояга етибди. Ҳаттоки, етти ёшли ўғлонни шоҳ саволига жавоб топгани учун тахтга ўтқазган экан. Шунда боланинг онасига одамлар: «Ўғлингиз тахтга ўтирди», деганларида у: «Ҳаҳ, агар отаси олманинг ярмини еб қўймаганда у қорнимдаёқ ғани бўларди, деган эканлар».

Қиссадан ҳисса шуки, ҳалол-пок ота-онадан доно фарзандлар дунёга келаркан. Ҳадиси шарифда айтилгандек, оиланинг тинчлиги, унинг роҳатли турмуши, шу оиланинг бошида турган эр-хотиннинг ораларидаги дўстлик, муҳаббатга боғлиқ. Иккаласи ҳам ор-номусли бўлиб умр кечирсалар, бу оилага Аллоҳнинг раҳмати ёғилур. Бўлар учун дунё роҳат, тинчлик уйи бўлур.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Luqma

НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН МАСАЛА

Синф тахтаси (доска) ва бўр — энг азалий, энг зарурий кўргазмали курол. Уларсиз ўқув жараёнини тасаввур этиб бўлмайди.

— Мактабларда доска йўқми? — Етарли.

— Бўр етишмайдими? — Ортиғи билан бор.

Лекин... Ана шу лекини одамни қийнайди. Мактаблардаги синф тахталарининг кўпи эскирган. Устига линолиум қопланган синф тахталари артила бериб ялтираб, бўр билан ёзиб бўлмас даражага келган. Уни қумли қоғоз билан йиллар давомида ишқаб, ҳатто махсус рангда буяб ҳам қуриляпти — бўлмаяпти. Ёзилган нарса кўринмайди, бўрни олмайди.

Бўр-чи?! Бўрлар ниҳоят даражада сифатсиз, дағал. Ичидан истаганча қум ва тош парчалари топилади. Ёзганда бўр уқаланиб кетади. Қум ва синиқ тош қалбингизни тирнагандай, синф тахтасини тирнайди.

Табиий савол туғилади: наҳотки, республикамизда бўр муаммоси шунчалик қийин бўлса. Бу масалага мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор берадилар, деган умиддамиз.

Маҳмуджон ДАДАБОЕВ
Чортоқ тумани

Yangi nashrlar

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР МАНБАИ

Қонун устиворлиги жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади, албатта. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш билан боғлиқ режалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Республикамизда инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг ташкил топиши муҳим воқеа бўлди. Жамоатчилик фикрини ўрганишни кенг йўлга қўйиш мақсадида тузилган «Ижтимоий фикр маркази» ҳам ўз фаолиятини жонлантириб юборди.

Келажаги буюк Ўзбекистонда юз бераётган бу каби ҳуқуқий-демократик жараёнларни ёритиш, уларни алоҳида нашрлар орқали ёйиш борасида маълум тажрибалар тўпланди. Демократия ва инсон ҳуқуқларига бағишланган адабиётларни чоп этишда инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий маркази томонидан амалга оширилаётган ноширлик ишлари салмоқли бўлмоқда.

— Чиндан ҳам ҳуқуқий демократияга бағишланган нашрлар фуқароларда қизиқиш уйғотмоқда, — дейди марказнинг етакчи ходими Фуат Гасанов. — Шу сабабли марказимиз ноширлик фаолиятини жонлантириб, демократия ва инсон ҳуқуқларига доир адабиётларни кўплаб чоп этишга киришди.

Ўтган қисқа вақт ичида 20 дан ортиқ номдаги нашрлар чоп этилди ҳамда босмага тайёрланмоқда. Улар китоб, рисола ва тўплам ҳолида мухлисларга тақдим этилмоқда. Шу ўринда «Тил ва қонун», «Ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқи» каби китобларни кўрсатиб ўтиш жоиздир. «Ўзбекистон республикасида демократия, инсон ҳуқуқи ва такомиллашган бошқарув тизими» деган тўплам ҳам босилиб чиқди.

Маълумки, «Ўзбекистонда Суд ислоҳоти: муаммо ва ечимлар» деган мавзуга бағишланиб халқаро тадбир ҳамда юридик ҳуқуққа доир илмий-амалий конференция уюштирилган эди. Уларнинг материаллари алоҳида тўпламда ўз ифодасини топди. Шунингдек, «Профессионал этика: қарашлар ва муносабатлар» деб номланган нашр ҳам босилиб чиқди.

«Сиз ўз ҳуқуқ ва бурчларингизни биласизми?» номли нашрда Ўзбекистон фуқаросининг ҳуқуқ ва бурчлари масалалари атрофлича ёритиб берилди. Унинг саҳифалари орқали кўпчиликни қизиқтираётган ҳуқуқий масалаларга жавоблар олиш мумкин.

Ҳуқуқий билимлар Ўрта осиёлик қатор машҳур алломалар томонидан атрофлича ўрганилган. Бундай алломалардан бири Бурҳониддин Марғилоний бўлиб, унинг бой илмий мероси ҳанузгача ёритилмай келинади. Таниқли ҳуқуқшунос олим А. Саидов томонидан ёзилиб, босмага берилган «Бурҳониддин Марғилоний — улуғ ҳуқуқшунос» деган китоб яқинда кўп нусхада чоп этилди.

Ҳуқуқий билимларнинг илмий-назарий асосларини ёритишга бағишланган китоблардан бир нечтаси босмага ҳозирланди. Улар орасида инсон ҳуқуқларига доир дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар ҳам бор. Ўқув машғулотларини олиб боришда бундай адабиётлардан кенг фойдаланиш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» деган луғат китоб ҳам босмага тайёрланмоқда. «Инсон ҳуқуқлари қонунчилиги» деган китоб бир неча жилдда чоп этилади.

Бундан ташқари, бир нечта дарслик — хрестоматия китоблари ҳам ёзилди. «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқи ва миллий хавфсизлик», «Фуқаролик тарбияси асослари», «Қиёсий ҳуқуқшунослик» сингари китоблар шулар жумласидан. Бундай дарслик-хрестоматиялардан яна бир нечтаси келгусида чоп қилинади.

Кўриниб турибдики, марказнинг матбаа-ноширлик фаолияти доираси кенгдир. Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий демократиянинг ривож топишида булар муҳим илмий-маърифий аҳамият касб этади.

Саодат ОДИЛОВА

МУБОРАКНИНГ ОЙДИН ОҚШОМЛАРИ

Сиз қуёши тик қашқа элининг Муборак деб номланувчи туманига борганмисиз? Муборак вилоят марказидан анча узоқда, қўшни Бухоро вилояти замини билан туташ бир манзилда жойлашган. Ҳуллас, сиз мубораки кўриш орзусида вилоят маркази Қаршидан йўл олсангиз аввалига Қарши туманини, сўнгра эса Косон туманини кесиб ўтасиз. Косондан чиқишингиз билан табиат ҳам, оби-ҳаво ҳам узгарганини ҳис қиласиз. Ана сизга саҳрою, ана сизга чўл... Йўл-йўлакай бепоён лалмикор кенгликлар ва саксовуллар оралаб юрган туда-туда туялар галаси узига тортади. Бамайлихотирлик билан ялангоч туяни миниб олганча бир туда туяларни олдига солиб ҳайдаб келаётган мубораклик 10-12 ёшли болани кўриб, сиз ҳам қизиқасиз, ҳам ҳайратдан ёқа ушлайсиз...

Бу юртнинг бобокалонлари ҳам азал-азалдан чорвачилик билан машғул бўлиб келишган. Улар қўтон-қўтон қўй-эчки ва гала-гала туяларини саҳроларда боқишиб, тирикчилик қилиб кун кечиришган. Уларнинг яшаш ва турмуш тарзлари ҳам ана шу чорвачилик соҳаси билан ҳамоҳанг кечган...

Мубораknинг узига бино қуймаган, танти ва мард халқи бор. Улар бу «бир кам яралган» дунёни будлаш йўлида орттирган молу-давлатини яхши кунида, туйида элига беради... Бу юртда туркманлар ва ўзбеклар неча-неча асрлар оша бир тану бир жон бўлишиб, узаро қуда-анда бўлишиб, аҳил яшаб келмоқдалар. Бу элда ҳатто ким узбегу ким туркманлигини аниқлашнинг узи амри маҳол. Бир сўз билан айтганда, Мубораknинг узбеклари ва туркманлари бирбирлари билан, бир дарахтнинг шохларисимон бирлашиб кетишган.

Сиз Муборак тумани марказига яқинлашиб қолганлигингизни осмонўпар трубалар учида ял-ял ёниб турган газ оловлари орқали билиб оласиз. Бу Муборак шаҳри. Бу газ саноатчилари шаҳри. Мустақиллик шарофати билан Муборак янада узгача чирой очди. Бири-биридан кўркам иншоотлар қад кўтарди, аҳолининг турмуш тарзи яхшиланди, шаҳарда миллий маънавият қарор топди. Кейинги йилларда туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан Мубораkда замонавий уйингоҳ ва қатор спорт иншоотлари, маданий ва маънавий хизмат кўрсатувчи турли-туман шахобчалар кескин тарзда кўпайди. Қисқа ва тушунарли қилиб айтилганда, туман ҳокимлиги аҳолининг маънавий ва маърифий савиясини кўтаришга, эл саломатлигини тикланга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳар бир элу-элатда нондан сўнг таълим-тарбия ишига бош масала деб қараб келинган. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар бир юрт келажагини унинг ёшлари белгилайди. Юртимиз истиқлолга юз тутган кундан эътиборан юртбошимиз халқ таълимига алоҳида эътибор қаратди. Ўша дамлардан эътиборан мамлакатимизда бу борада янгиланиш онлари бошлаб юборилди.

Мустақиллик шарофати билан Мубораkда ҳам таълим иши олга томон силжиди. Қолаверса, ҳокимиятдагилардан тортиб, таълим тизимигача бўлган «асосий нуқталар»даги раҳбарлик лавозимлари умидли ёшлар билан таъминланди.

Хўш, натижалар қандай? Кўзга кўринарли ўзгаришлар борми? Биз яқинда Муборак туманида бўлиб, ҳаммани қизиқтирган ана шу саволларга жавоб қидирдик.

Бундан 3-4 йил бурун Мубораkда бўлганимизда халқ таълими бўлими тасарруфидаги «Орзу» деб номланувчи болалар боғчасига киргандик. Боғча биноси олдидаги 10 сотих чамасидаги ер мутлақо ташландиқ, бир ҳолатда, қамишзорга айланиб ётганди, ҳосилдор ер, суви олдида. Нега аҳвол бундай? Биз ўша сафаримизда, умуман Муборак тумани халқ таълими бўлимидаги ишлардан ранжиб қайтгандик.

Айни кунда туман халқ таълими тасарруфида 17 та ўрта, 12 та таянч мактаблар, 10 та болалар боғчалари, 4 та мактабдан ташқари муассасалар, битта кечки ёшлар мактаби, битта лицей-интернат, ҳаммаси бўлиб, 45 та таълим-тарбия муассасалари мавжуд. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек Мубораkда ўқитувчилар етишмаслигини ҳам яширишнинг иложи йўқ. Бошқа туманлардан келган ўқитувчилар ҳам кўпи билан 2-3 йил ишлагач, ўз юртларига кетиб қолишади. Бу борада ҳам ижобий ишларга қўл урида бошланди. Туман ҳокимлиги ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорликда ишлаб чиққан тадбирга мувофиқ бу йил туман мактабларини битирган, «ўқитувчилик касбига иқтидори бор» деб топилган 30 нафар маҳаллий йигит-қизлар вилоятдаги ўқитувчилар тайёрловчи ўқув юртларига юборилди. Вилоят халқ таълими, туман ҳокимлиги ҳамда туман халқ таълими бўлимларининг узаро келишувига мувофиқ янги ўқув йилидан эътиборан Мубораkдаги лицей-интернатда педагогика йўналишидаги 2 та синф очиш режалаштириб қўйилган.

Халқ таълими бўлимида мактаб ва боғчаларда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча маблағ топиш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Умумий ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилимиз бошидан ҳозирги кунга қадар туман таълим муассасаларида ишлаб топилган қўшимча маблағ 189 минг сумни ташкил этибди. Ана шу маблағлардан мактаб ва боғчалар ўз биноларини жорий таъмирлашда фойдаланмоқдалар. Халқ таълими бўлими мудири Шодиёр Йўлдошевнинг айтишича, бу рақам йил якунига бориб ярим миллион сўмни ташкил этаркан.

— Халқ таълими бўлими ҳам баҳоли-қудрат маблағ топиб, оҳак, бўёқ ва керакли қурилиш жиҳозлари сотиб олиб, имкониятлари кам мактаб ва боғчаларга улашди... Ҳуллас, ҳозиргача 20 та мактаб, 8 та болалар боғчалари, 3 та мактабдан ташқари муассаларимиз жорий ремонтдан чиқди. Қолганларида ҳам бу иш тез орада якунланади — дейди халқ таълими бўлими мудири биз билан бўлган суҳбатда.

Туман мактаб ва болалар боғчаларини айланганимизда, мудирнинг гаплари исботини топгандай бўлди. Ўша «Орзу» болалар боғчасига ҳам бордик. Ҳамма нарса узгарибди, ҳатто раҳбари ҳам. Қамишзор урни кукаламзорлаштирилибди, гуллар устирилибди.

«Бойчечак» болалар боғчасида бўлдик. Ҳамма ишлар жойжойида. Боғча қошида маҳалла ёшларига бичиш-тикиш ишларини ургатувчи пуллик тўгарак ташкил этилибди. «Бойчечак»да «араби гилам» тўқиш цехи иш бошлабди...

Туман мактабларида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини, ишларини баҳолашнинг диагностик таҳлил ва рейтинг усулларига утила бошлабди. Бу турдаги ишларни ўрганиш юзасидан тумандаги А. Қаҳҳор, Ибн Сино, С. Раҳимов ва Улуғбек номидаги мактабларда махсус марказлар ташкил этилибди.

Муборак тумани халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ибратли ишлар тепасида туман ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси турибди. Таъбир жоиз бўлса, шуни ҳам айтиш керакки, доно халқимиз орасида «минг ишчига бир бошчи» деган ибратли бир мақол бор. Мубораkда таълим соҳасида амалга оширилаётган барча ишларда халқ таълими бўлимининг камтарин ва фидойи раҳбари Шодиёр Йўлдошевнинг алоҳида хизматлари бор. У туман халқ таълимига раҳбарлик қилаётганидан буён ўтган унча узоқ бўлмаган даврда туман таълимида анчагина бурилишлар ясалди. Халқимиз орасида «Қуш тилини қуш билади» деган гап бор. Шодиёр Йўлдошев таълим ходими. У мактабда муаллим, болалар етакчиси, директор муовини, мактаб директори лавозимларини ўтаб, туман халқ таълими бўлими мудири вазифасига келган. Ҳа, шундай. «Қашқадарёчаси»га айтганда мавжуд муаммоларнинг ҳаммасини яхши билади...

Шу уринда яна битта гап. Мақтовни ҳазм қилиш ҳам ақлий юксак инсонларга хос фазилатдир. Демоқчимизки, мубораклик таълим усталари, шу соҳанинг барча-барча раҳбарлари бизнинг ушбу чиқишимиздан сўнг янада кўпроқ филойилик билан меҳнат қиладилар...

Биз яхши бир кайфият билан ортга қайтаётганимизда Мубораkка оқшом чўкканди. Улкан, осмонўпар трубалар учида ёниб турган газ оловлари муборак оқшомига ойдинлик бахш этиб турарди... Бу фақат Мубораkка муносиб манзара. Ҳа, ростданам, Мубораkда узғача ҳаёт бошланган... Кунлар ёп-ёруғ, ҳатто оқшомлар ойдин. Буларнинг барчаси юрт мустақиллигининг шарофатидандир!

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири

Alifbe bayrami

ЭНГ ҚУВОНЧЛИ КУН

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, Кавордон қишлоғидаги 3-ўрта мактабнинг 1-«А» синфида юқори синфлардан ташқари, алоҳида Янги йил байрами бўлиб ўтди. Улар бу тадбирга Алифбе байрамини қўшиб жуда завқли ўтказдиларки, у ерда қатнашган ота-оналардан: Т. Абдуразоқова, О. Тожибоева ҳамда мактаб бошланғич синфлар илмий бўлим мудири М. Мирсоатовалар шу синфнинг раҳбари Маъмура Халиловага илиқ сўзлар айтишди. Айниқса, янги йил муборак Рамазон ойи билан бирга кириб келганлигини, бу 1998 йилнинг Президентимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилинганлигини қувонч билан гапиришди.

1-синф болалари донолик билан миллий рақслар, халқ оғзаки ижодидан намуналар ҳамда аскиялар айтиб, ўз устозларини ва ота-оналарини хурсанд қилишди. Улар бир йил давомида жуда кўп нарсаларни ўрганганликларини ўз чиқишларида намойиш этдилар. Бу байрам устозлар, ўқувчилар ва ота-оналар қалбида «Инсон манфаатлари йили»дан, яъни 1997 йилдан энг эсда қоладиган кун бўлиб қолди. Байрам охирида болаларга Қорбобо совғалари улашилди.

С. САФОХОНОВА

Kutubxona — nurxona

АЗИЗ ВА ЛАЗИЗ ОНЛАР

Яхшиликпарварликда гап кўп. Орамизда бу тоифадаги кишилар ҳам кўп.

Матлуба Ашурова қирқ йилдирки, СамДУ бош кутубхонасида ҳаётнинг азиз ва лазиз онларини китобга, талабаларни, билимга чанқоқ қалбларни илм нуридан баҳраманд этишдек хайрли юмушга бағишлаб келмоқда.

Матлуба опанинг ҳаёт йўли оддий, аммо мазмунли. У косиб оиласининг фарзанди. Онаси Сабоҳат Тўхтамуродова ўз даврининг зиёлиларидан бўлиб, ўрта мактабда ёш авлодга сабоқ берарди. Айни пайтда табаррук онахон нафақада.

Матлуба опадаги илм-фанга қизиқиш ва ҳавас ана шу Сабоҳат аядан ўтди. У 1956 йилда Пушкин номидаги 21-ўрта мактабни «аъло» баҳолар билан тугатиб, СамДУ чет тиллар факультетининг инглиз филологияси бўлимига ўқишга кирди. Талабалик йилларида барча фанларни «аъло» баҳоларга ўзлаштириш билан бирга инглиз тилидаги адабиётларни қунт билан мутолаа қилди.

1961 йилда дорилфунунни муваффақиятли тугатиб, дастлаб 26-ўрта мактабда инглиз тили фанидан ўқувчиларга дарс берди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунуни бош кутубхонасининг директори А. Аббосовнинг таклифи билан кутубхонанинг чет тиллар адабиёти бўлимига ишга келди. Кутубхонадаги дастлабки йиллар Матлуба опа учун унутилмас тажриба мактаби бўлди. У секин-аста оддий ходимликдан бош кутубхоначи даражасигача кўтарилди. Бу эса ўз-ўзидан бўлмади. У миллионлаб нусхадаги китобларни соҳама-соҳа алифбо асосида тартиб беришдек машақатли меҳнатда тобланди.

Ўз касбининг пухта билимдони бўлишида опага кутубхонанинг доимий аъзолари академик В. Абдуллаев, профессорлар И. Умняков, А. Хаютинлар маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатдилар. Ф. Маъруфий, А. Пўлодий, Н. Шахназарова, А. Золтан сингари маърифат фидойилари ёрдамларини аяшмади. Айниқса, А. Золтаннинг иш жараёнидаги қаттиққўллигини Матлуба опа такрор-такрор эслайди.

Кутубхонада ойда икки марта хориждан келтирилган янги адабиётлар, журналлар, газеталар асосида ахборот берилади. Бу адабиётларнинг қайси соҳага тегишлилиги инобатга олиниб, махсус карточкаларга белгиланиб, катологларга киритилади. 1993 йилга қадар инглиз, француз, немис тилларида 93 та журнал олинар эди. Ҳозир эса улар сони бирмунча камайди, фақат мусулмон давлатларидан ислом динига оид журналлар келади. 1995 йилда Туркиядан Алишер Навоийнинг турк тилига ўгирилган тўрт томлик асарлари келтирилди. Айни пайтда кутубхона уч миллион китоб фондига эга. Кутубхонада барча ишлар тартибли олиб борилади. Китоблар жавонда, тоза, озода, «кулиб» турса Матлуба опанинг завқи келади. Худди китоблар жонли мавжудотдек унга: «Раҳмат, Матлуба опа!» деяётгандек туюлади.

Кутубхонанинг чет эл адабиёти бўлимига кирган киши бу ерда сақланаётган адабиётларни топишда ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмайди. Чунки бу борада Матлуба Ашурова китобхоналарга керакли шароит яратиб берган. Бўлимдаги асримиз бошларида ва кейинги даврларда келтирилган адабиётларнинг шифрларини алифбо асосида тартиб билан каталогларга жойлаштирган. Ўқувчиларнинг адабиётлардан янада унумли фойдаланишини инобатга олиб, иккита қўлланма тайёрлаб, нашр эттирди. Бир нечта услубий қўлланмаларга тақриз ёзди. Шунингдек, Матлуба Ашурова дорилфунун ва кутубхонанинг шонли 70 йиллик юбилейига бағишлаб, чет эл адабиётларининг янги иккита каталогини тайёрлади.

Матлуба опанинг жамоатчи, ташкилотчилик фаолияти ҳам ўзига хос. У кутубхона миқёсида ўтказиладиган тадбирларнинг нафақат оддий қатнашчиси, балки ўзининг оқилона фикр-мулоҳазалари билан байрам ёки тадбирнинг янада жонли, кўтаринки руҳда ўтказилиши учун елиб-югуради. Шунинг учун ҳам Матлуба опа 1970 йилдан буён ректорат ва кутубхона хотин-қизлар қўмитасининг раисаси вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мана, бир аёлнинг ҳаёт йўли... Мен бу аёлнинг китобхонлар билан бўлган ширин мулоқотини яна бир бор кўз олдимга келтирар эканман, у кишига шундай дегим келади: «Матлуба опа! Сиз умрини илм-фанга бахшида этган фидойи инсонларга қўлқанотсиз! Сизнинг савоб ишингиздан авлодлар миннатдор».

Шавкат СОРИЕВ,
СамДУ аспиранти

Tasavvuf saboqlari

РУҲНИНГ БУЮК СЕВИНЧИ

Ўзбек маданияти ва маърифати тараққиётида тасаввуф таълимоти катта ўрин тутади. Бу таълимотнинг моҳиятини билмай туриб халқимиз тарихини тўла-тўкис англай олмаймиз. Собиқ шўро замонида бу таълимотни ўрганишга имкон берилмади. Аксинча уни қоралашга, сохталаштиришга уринилди. Истиқлол шарофати билан тасаввуф таълимотига бўлган муносабат ўзгарди. Бу таълимот халқимиз маънавиятининг бир бўлаги сифатида тадқиқ этила бошланди, олий ўқув юртлари ва мактабларда дарслик дастурларига киритилди. Бугунги кунда маънавият, маърифат масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва тасаввуф таълимотига эътибор берилиши қувонарлидир. Зеро, тасаввуф таълимоти халқимиз маънавиятининг муҳим бир бўлагини ташкил этади.

Кейинги пайтларда қадриятларимизга қизиқиш ортиб, бошқа масалалар қатори тасаввуф мавзуига ҳам газетамиз саҳифаларида кенгроқ ўрин ажратишимизни сўраб кўплаб мактублар келмоқда. Биз газетхонларимизнинг истакларини инобатга олиб адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққуловнинг мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларига мўлжалланган, суҳбат тариқасида ёзилган «Тасаввуф гулшани» номли китобидан айрим парчаларни эълон қилишни лозим топдик. Суҳбатни Жаббор Эшонқул олиб борган.

ТАҲРИРИЯТ

Жаббор ЭШОНҚУЛ: — Тасаввуф фақат Шарқда эмас, Ғарб оламида ҳам қизиқиб ўрганилган ва ўрганилиб келинаётган таълимотдир. Собиқ шўро замонида тасаввуфни билиш қатъий чеграланиб қўйилган эди. Бунга асосий сабаб нимада, деб ўйлайсиз?

Иброҳим ҲАҚҚУЛ: — Айни шу кунларда ҳам баъзи бир мусулмон мамлакатларида тасаввуфга «иккинчи бир дин» деб қаровчилар бор. Бу мамлакатларнинг расмий давлат мафкураси тасаввуфга, тасаввуф арбобларига қарши. Собиқ шўро давлати эса, умуман, динга душман бўлган.

Шўро мафкурачилари тасаввуфнинг илдизи Ислом дини заминида эканлигини, тасаввуф равнақи шу дин истиқболига хизмат этишини яхши билишган. Тасаввуфнинг бош асос ва тамойилларини қоралаш, айрим олимларнинг эмас, ўша ҳукуматнинг ташаббуси эди. Бу бежиз эмасди. Туркистондаги тасаввуф тариқатлари, айниқса, Кубравийя, Яссавийя ва Нақшбандия тариқатларига мансуб шайх ва солиҳлар ёлғиз чор босқинчиларига эмас, шўро зулмига қарши жангларда ҳам фаол қатнашганлар. Аксарият ҳолларда ташаббускор бўлганлар. Масалан, Фарғона миллий истиқлолчилик курашларига бошчилик қилганлар орасида Яссавийя шайхларидан Ислом қўрбоши, Абдулазиз Махсум, Мулло Деҳқон ва Ҳолҳўжа деган ватанпарвар зотлар бўлган. Ёки 1920 йили мужоҳидлар сафида жанг қилган Яссавийлик тариқатининг муршиди Абу Муталлиб деган юртдошимиз ўз муридларидан озодлик курашчилари гуруҳи ташкил этган. Бундан ташқари, тасаввуф мусулмон халқлари эҳтиёжи, санъати ва мусиқаси, илм-фан ва маърифат тараққиётига катта таъсир ўтказган.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Демак, тасаввуф ўтмишда ижтимоий, диний, маданий-маърифий ҳаётдан ажралмаган ва ажралишга ҳам даъват қилмаган?

И. ҲАҚҚУЛ: — Менимча, биз ҳеч қачон тасаввуфни идеаллаштирмаслигимиз керак. Чунки тасаввуф тарихи жуда мураккаб, гоҳо бир-бирига яқин келмайдиган, бири иккинчисини инкор этадиган фикр ва тажриба йўналишларидан таркиб топган бир таълимотдир. Маълумки, тасаввуф дунёнинг кўп саҳоаларига тарқалган ва Чин, Ҳинд, Сибир, Африка, ҳуллас, кўпдан-кўп ўлкалардаги халқларнинг онгига ўзининг таъсирини ўтказган. Шу маънода турк олими, профессор Асад Жўшон: «Ҳиндистондаги тасаввуф билан Африкадаги, Испаниядаги тасаввуф айни эмасдир. Онадулидаги тасаввуф ила Ямандаги тасаввуф айни бир нарса эмас. Хуросондаги тасаввуф билан Мисрдаги тасаввуф орасида сезиларли тафовут, завқ ва нуқтаи назарларда фарқлар мавжуддир», деганида мутлақо ҳақдир. Чунки Туркистон тасаввуфи ва тариқатларининг ўзига хос хусусиятлари ва энг муҳим афзалликлари борки, буларга деярли аҳамият берилгани йўқ. Агар биз, айтайлик, Навоийни «суфий шоири» деб эълон қилишни илмдаги кашфиёт ёки жасорат ҳисоблайдиган бўлсак, билиб қўйинг, тасаввуфшуносликда бир одим ҳам илгарилай олмаймиз.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Очиқ гап, айримлар тасаввуф деса, дунёга қўл силтаган ва соқоли кўкрагига тушган, узлатпараст суфийни ёки шунга яқин ҳолатдаги дарвеш ва мажнунсифатларни кўз олдиларига келтирадилар.

И. ҲАҚҚУЛ: — Бундай нотўғри тасаввурлар учун оддий одамларни айбламаслик керак, албатта. Чунки тасаввуфнинг моҳиятини хато англаш, тасаввуф ҳақиқатларини сохталаштириш бизнинг асримизда пайдо бўлгани йўқ. Бу — қариб ўн асрлик тарихга эга ҳодиса. Хуросонлик футувват арбобларидан бўлмиш Абул Ҳасан Бушанчи (вафоти 959 йил): «Бутун тасаввуф, ҳақиқати йўқ бир исмдир. Кўп аввал исми йўқ бир ҳақиқат эди тасаввуф», дейди. Бу гапнинг маъноси шуки, тасаввуф атамаси саҳоба ва Салоф замонида ҳали мавжуд эмасди. Бироқ уларнинг ҳар бирида тасаввуфий моҳият устивор эди. Энди эса тасаввуфнинг номи бордир, аммо ҳақиқати сусаймиш.

Ж. ЭШОНҚУЛ: — Мустақиллик замонигача тасаввуф тўғрисида эмин-эркин мулоҳаза юритиб бўлмасди. Ҳозир тасаввуфни бемалол тадқиқ этиш мумкин. Мен тасаввуфга ўзимча қизиқаман, тасаввуф адабиётига тегишли мақола ва китобларни иложи борича ўқиб боришга ҳаракат қиламан. Ростини айтсам, улардан ҳамма вақт ҳам қаноат ҳосил бўлмайди. Негадир такрор кўп, бир хиллик бор. Мени энг қизиқтиргани — «Тасаввуф нима?» деган саволдир. Умуман, тасаввуфнинг мазмун-моҳиятини мухтасар шаклда қандай таърифлаш мумкин?

И. ҲАҚҚУЛ: — Тасаввуфда «бидоят ҳоли» ва «ниҳоят ҳоли» деган тушунча бор. Буни ишнинг бошланиши ва охири деган мазмунда ҳам англаса бўлади.

Тасаввуфий маслакда ишнинг аввали нафс ва ахлоқ. Яъни нафсни таниш ва таслим этиш йўли билан ахлоқни поклаш ва қувватлантиришдир. Ахлоқ қудрати — жўръат ва шижоатдир. Ахлоқнинг кўрки — тўғрилик ва мардлик. Ахлоқ комил шахс моҳиятининг тамалини белгилайди. Айни шу маъноларда, ахлоқ-одобда юксак натижаларга эришмасдан ва илгариламасдан тасаввуфий ҳаётда ҳам баланд босқичларга кўтарилиб бўлмайди. Тасаввуфий истилоҳларнинг бошида, уйғоқлик ва бедорлик мазмунини билдирадиган «яқазо» деган сўз келади. «Яқазо» — маънавий-руҳий бедорликнинг ибтидоси. Шунинг учун тавбаю иноба (ҳаққа ружуъ)дан олдин маънавий бедорликка эришмоқ лозим. Зеро, ғофил одам ҳеч қачон ахлоқ қарахтлиги, хулқий ожизликлар тўғрисида мулоҳаза юрита олмайди.

Тасаввуфнинг инсон зиммасига юклаган иккинчи буюк мажбурияти Қалб тарбияси ва тасфиясидир.

Нажмиддин Кўброга кўра, «Қалб калимасининг луғавий маъноси, бирор нарсанинг шакл ва маъно жиҳатидан ўртаси, асоси демакдир». Суфийларнинг нуқтаи назарида, қалб нуроний бир жавҳардирки, у нафс билан руҳнинг оралиғидан жой олгандир. Қалб фақат Ислом ва имон манзили бўлиб қолмасдан, ишқ-маърифат ва ҳақиқат маскани ҳамдир. Шунинг учун Қалб Ҳақ назаргоҳидир. Тасаввуф аҳлининг қалб ва қалб хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ниҳоятда қизиқарли ва фойдали. Мана, Аҳмад Рифоийнинг бир фикрини эшитинг: «Қалб бир гўшт парчасидир. Айни пайтда шу бир парча гўшт, яъни қалб нурлар тўпланадиган жойдир, Оллоҳнинг яраттани яхшилик ва ёмонлик бир ерга келадиган қайноғдир. Шу зайлда Қалб акс эттиргани яхшилик ва ёмонлик туйғусига қараб бир қиймат касб этур. Жаноби Ҳақ вужудга амр айлаш ҳуқуқини «Қалбга бергандир».

Биз «руҳ» сўзини кўп тилга оламиз. Аммо руҳ ҳақида жуда кам билимга эгамиз. Шўро ҳукумати замонида руҳини ўйлаш ёки эслаш — илоҳни ўйлаш ва эслаш деб қаралган. «Тасаввуфнинг мавзуи Руҳ, — дейди турк тасаввуфшуноси Сулаймон Улутоғ. — Бу ерда руҳ калимаси ўрнида латифа, Сир, Нафс ва Қалб атамаларини ҳам қўллаш мумкин. Руҳнинг соф, қалбнинг пок, нафснинг тоза ҳолга етказилиши тасаввуфнинг ҳам мақсади эрур. Шу талаб ва хусусиятларни амалга ошира олган одам комил инсондир».

Тасаввуф «илми ҳол», яъни ҳол илми ҳам дейилган. Ҳол эса ахлоқ гўзаллиги, қалб поклиги, руҳ юксаклиги, ишқ ва маърифат зиёсидан ҳосил бўлажак илоҳ ҳадиясидир. Демак, тасаввуфнинг мақсад ва моҳиятини белгилайдиган етакчи тушунчалар: Ахлоқ, Нафс, Қалб, Руҳ, Ишқ ва Маърифатдир. Тасаввуф натижа эътибори билан инсоннинг ўзлигини билиш, ўзининг ботиний ожизлик ва кучсизликларини енгиб илоҳий ишқ ва бирлик қуёнчига соҳиб бўлмоқдир. Ибн Сино айтмоқчи, «Тасаввуф — камолот даражасига етишган руҳнинг буюк севинчидир».

(Давоми бор)

Тошкент шаҳридаги 394-«Ором» боғча-лицейида боғча ва бошланғич мактаб таълимига тўла асос яратилган. У ерда ўғил-қизларга таълим-тарбия бериш билан бирга болажонларни эстетик, жисмоний жиҳатдан ўстиришга алоҳида эътибор берилади. Тажрибали ўқитувчилар эса 600 нафар ўғил-қизга умумтаълим фанлари қаторида расм, мусиқа, ашула, рақс, чет тили, компьютер саводхонлиги каби машғулотлар бўйича ҳам чуқур таълим бераяптилар.

СУРАТЛАРДА: * Олий тоифали инглиз тили фани ўқитувчиси Лутфиниса Тиллаеванинг расмларга қараб болалар сўз бойликларини ошириш борасидаги изланишлари, айниқса, самарали бўлаётир.

*** Жисмоний тарбия муаллимаси Мавлуда Алиева спорт залида болаларнинг жисмонан соғлом бўлишига кўмаклашадиган машғулотлар олиб бораяпти.**

*** Боғча-лицей методисти Моҳира Маҳмудова тарбиячилар билан услуб ва маҳорат мавзуида суҳбатлашмоқда.**

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар

Ajdodlarimiz merosi

КОИНОТ ИЛМИ

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятлари, илмий кашфиёт ва ихтиролари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омилдир. Мажбурий таълимнинг 9 йилга келтирилгани ўқув дастурларига, шу жумладан, астрономия фанидан таълим бериш режасига ўзгаришлар киритишни тақозо этади. Аввалги дастурларга кўра, астрономия 11-синфда ўқитиларди. Эндиликда 9-синфдан сўнг ўқишни давом эттирмайдиган ўқувчилар бу фан ҳақида билим ва тушунчаларга эга бўлмай қолишлари мумкин. Шунинг учун астрономия ҳақида қисқача бўлса-да 9-синфлар учун бир неча соатлик дарс берилиши шарт бўлиб қолди. Иккинчидан, буюк астрономлар ҳақида, уларнинг фанлар тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида, умуман, Марказий Осиё халқларининг буюк илмий меросларидан ҳақида қисқача бўлса-да, маълумот бериш зарурати пайдо бўлди.

Бу икки масаланинг ечимини яқинда чиққан 9-синфлар учун «Физикадан қўшимча дарслик» деб аталган дастурдан фойдаланиб, атрофлича ёритиб бериш мумкин.

Истиқлол шарофати билан мактаб ва олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари ҳамда дарсликларида Хоразмий, Фарғоний, Жайҳуний, Балхий, Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи каби улуғ сиймоларнинг ижодий фаолиятига катта эътибор берила бошланди. Зеро, IX аср бошларида Хоразмий бошчилигида 70 га яқин олимлар «Жаҳон карталари»ни тузишган. Қимматли астрономик маълумотлар келтирган италиялик шарқшунос олим К. Наллино математика ва алгебра фанларининг асосчиси Хоразмий тўғрисида: «Европадаги ҳеч бир халқ Хоразмий эришган ютуққа эришишга ва бундай асар яратишга қодир эмас эди», деб ватандошларимизга юксак баҳо берган. Буюк аллома Беруниийнинг «Қонуни Маъсудий» асарида оламнинг геоцентрик тузилиши баён этилиб, сферик астрономия ва жойларнинг кенгликларини белгилаш усуллари, Қуёш, Ой, юлдуз ва сайёраларнинг ҳаракати тўғрисида қизиқарли илмий маълумотлар келтирилган.

XV аср бошларида илм аҳиллари орасида чақмоқ каби чарақлаган улуғ сиймолардан бири Улуғбекдир. Давлат арбоби, олим ва мутафаккир Улуғбекнинг асосий илмий меросидан бири унинг астрономик мактаби бўлди. Унинг «Зижи Кўрагоний» асарида қуёш ва сайёраларнинг ҳаракати, 1018 юлдузнинг ўрни кўрсатилган жадвал берилган. Юлдузлар жадвали ўта аниқлиги билан талқиқотчиларни ҳанузгача ҳайратга солиб келмоқда.

Тажрибалар кўрсатмоқдаки, ўрта мактабда астрономия фанини ўқитиш нафақат коинот илмидан сабоқ беради, балки ўтмишимиз, улуғ ватандошларимиз мероси, буюк кашфиётлари воситасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур руҳида тарбиялашда етакчи омил бўлади.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40, 41-мактабларда тажриба тариқасида қўлланилиб, ўзининг ижобий натижаларини бераётгани боис астрономияни бу фан чуқур ўқитиладиган барча янги турдаги мактабларга татбиқ этилди.

Ёқутхон РАҲМОНОВА,
олий тоифали ўқитувчи

Ona tilim — jonu dilim

ТИЛИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Халқимизда она Ватан, она ер, она юрт, она тарих, она тил каби тушунчалар бор. Бежиз бу каломлар она сўзи билан бошланмайди. Халқнинг буюк қадриятлари бўлгани учун ҳам уларга эъзозли она сўзи қўшиб айтилади. Демакки, улар она каби қадрлидир.

Она тилим, шу қисқа каломлар замирида тарих, миллат, ўзлик каби улуғ ва чўнг маънолар яширин. Тил миллатнинг овози, руҳи, қиёфаси сифатида намоён бўлади. Тилимизда шундай тушунчалар, сўзлар борки, ўзга бир тилга таржима қилиб бўлмайди. Демак, тил ўзликдир.

Миллатнинг тили ривожланмаса ёки ўзга тилдардаги сўзлар аралашуви билан қашшоқлашса бу унинг руҳида ҳам таназзул белгиларини пайдо қилади. Тил қадр-қийматини чуқур англаган Алишер Навоий бежиз ёзмаганларки, «Тилга эътибор — элга эътибор» деб.

Кейинги ўн йил ичида Ватанимизда кўп ўзгаришлар юз берди. Юксалишлар гувоҳимиз. Булар ичида тилимизга давлат тили мақоми берилганини ҳам алоҳида ғурур билан айтмоқ керак.

1989 йил 21 октябрь куни сира ёдимдан чиқмайди. Ўша кун тилимизга ана шундай юксак мақом берилиб, қадр-қиймати тикланишини кутган миллионлаб ватандошларимиз ҳаётида чинакам бир шодиёна байрам бўлиб кетган эди. Энди ўйлаб қарасам, мустақиллик сари ўзбек халқининг илк қадами ҳам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бўлган экан. Орадан кўп ўтмай, 1991 йили Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Юртимизда миллий қадриятларни тиклашга эътибор кучайди. Шунингдек, тилимиз соҳасида ҳам кўп ишлар амалга оширилди. Чет сўзлардаги атамалар ўгирилиб, баъзи ўринларда янги атамалар ҳам пайдо бўлди. Бу борада матбуотда мунозарали мақолалар босилди. Ҳуллас, дастлабки йиллар тилимизга берилган эътибордан қувониб юрдик. Лекин вақт ўтиши билан андак унутгандаймиз...

Ишга 85-автобусда қатнайман. Аввал рус тилида, кейин ўзбек тилида шофер бекатлар номини, йўловчилар патта олишини унутмасликларини тушунтиради. Бозорга бораман, у ерда ҳам обдон рус тилида, сўнг ўзбек тилида, гоҳо аралаш-қуралаш, ярми ўзбекча, ярми русча қилиб молини таърифлаганларини кўраман. Магазин ёки ошхона пештоқидаги ёзувларда ҳам, кўчаларда ўрнатилган рекламаларда ҳам русча сўзларга дуч келаман. Ҳуллас, бўлар ким учундир арзимас бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, бунинг замирида ўзбек тилига эътиборсизлик акс этади. Миллатни, тилини қадрлаган киши учун булар ҳақоратдир.

Метрога ҳар куни тушамиз. У ердаги фақат рус тилини билиб, сизнинг ўзбекча сўзларингизни тушунмайдиган кишилар ишлаши одамнинг ғашини келтиради. Жамоат жойларида ишловчи ишчи ходимлар давлат тилини мукаммал билган бўлишлари керакку. Чет давлатларга яшаш учун кўчиб кетган собиқ юртдошларимиз айтишларича, қайси мамлакатга борсалар ҳам аввал уша ернинг тилини урганиб, кейин ишга киришар экан. Жамоат жойлари метро, автобус бекатлари, шунга ухшаш ёш, қари барчанинг тез-тез иши тушиб турадиган жойларда узбек тилини яхши биладиган одамлар ишлаши айни муддао булар эди.

Ҳозир номини айтиб утирмайман, бир катта илмий текшириш институтига борганимда у ернинг раҳбари ҳар жума биз ўзбек тили куни эълон қилганмиз. Ҳамма ўзбек тилида сўзлашади уша кун, дея кишининг кулгисини келтирадиган гапни айтди: «Ё тавба, бу қандай гап?» деб ёқамни ушладим. Раҳбар эса шу гап билан фахрланиб утирса-я? Афсус, орамизда узбек тилига, уз она тилига шундай ёндашадиган одамлар ҳам бор.

Она тили дарсларини олиб қурайлик. Она тили фани билан боғлиқ тушунчаларни ўргатади, холос. Тилнинг қадрият сифатида миллий бойлигимиз эканлиги ҳақида ҳам соатлар белгиланса, она тилининг юксалиши йулида яхши иш булур эди. Тил тарихи, узбек тилининг босиб утган йуллари, фарзандларимизга мактаб партасиданоқ тушунтириб борилса, деган тилагимиз бор. Зеро, ҳамма нарса, шунингдек тилга муҳаббат ҳам болаликда уларнинг қалбига сингдирилса, у умрбод инсоннинг қалб мулкида яшаб қолади.

Ҳ. ОЛИМОВА

Maktabgacha ta'lim

ИЛК ИҚТИСОДИЙ САБОҚЛАР

Бугунги кунда хўжалик иқтисодини ривожлантириш муаммоси кескинлашгач, таълимга иқтисодий билимлар тизимини киритиш талаби ўз-ўзидан кун тартибига қўйилди. Ҳозирги замон шароитида бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан халқ таълими ходимлари олдида жамиятга ҳар томонлама ривожланган, иқтисодий саводхон, хўжаликни иқтисодий бошқара оладиган, мукаммал етук хизматчиларни тайёрлаб бериш вазифаси турибди. Халқ таълими вазирлигининг халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштиришга доир тадбирлари ишлаб чиқилгани мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, тарбиянинг муҳим бир бўлаги бўлган иқтисодий тарбияни болалар боғчасидан бошлаш кераклиги бугунги кунда айниқса яққол сезилмоқда. Чунки мактабларда, олий ўқув юртларида иқтисодий таълим-тарбия бериш жараёни, бу фаолиятни боғча ёшиданоқ бошлаш зарурлигини, яъни болалар иқтисодий таълим-тарбия жиҳатидан зарур тасаввурга эга бўлишларини ва маълум даражада тайёргарликлари бўлишини тақозо этмоқда.

Мактабгача тарбия муассасида биргина тарбиячи бир неча йил давомида болалар билан бирга бўлади, барча машғулотларни фақат ўзигина олиб боради, бир сўз билан айтганда боланинг кўп вақти тарбиячи ҳамроҳлигида ўтади. Мана шунинг учун ҳам болаларга иқтисодий таълим-тарбиянинг илк тасаввурларини айнан болалар боғчасида бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий таълим ва тарбия бир-бири билан чамбарчас боғланган жараёндир. Бу жараённи ўргатиш мобайнида билим ва тарбия болаларни иқтисодий фаолиятга, яъни уларни жамият иқтисодий ҳаётида иштирок этишга ундаши ҳамда уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятларини рўёбга чиқариши шубҳасиздир.

Болаларга энг оддий, илк иқтисодий тушунчалар дастлаб оилада берилади. Шу билан бирга у қадам бақадам болалар боғчасида сингдирилиши шарт. Бозор, пул, буюмлар, олди-сотди, ўзидан катталарга бўлган муносабатлар, кредит, бошқарувнинг элементар кўриниши, маҳсулотларга нисбатан эҳтиёткорона муносабат, миллий ғурур ва миллий бойликка нисбатан қарашларнинг шаклантирилиши, эҳтиёжларнинг қондирилиши, машғулотларда, меҳнатда ва болалар боғчасида энг асосий фаолият тури ҳисобланган ўйинда бола онгига, ёшига, индивидуал хусусиятларига мослашган ҳолда сингдирилиши лозим.

Масалан, болалар боғчасининг ўрта гуруҳида «Миллий бойлик» бўлими асосида миллий бойликнинг яратилиши, ишлатилиши ва қайтадан янгича тикланиши тўғрисида энг оддий тушунчалар берилса, катта гуруҳда эса миллий бойликнинг яратилиши, ишлатилиши, қайта таъмирланиши, жамғарилиши тўғрисида бирмунча мураккаброқ билимлар кўрсатилади ва тушунтирилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида «Миллий бойлик» бўлими «Маънавият» бўлими деб берилган, яъни бу гуруҳ болалари мактабга чиқадиган, саводхонлик даражаси мураккаблашган, фикрлари теран, мантиқий тафаккурлари ривожланган бўлади.

Болалар билан олиб бориладиган фаолиятлар жараёнида бевосита иқтисодиётга доир оддий тушунчаларни ўзлаштиришлари осон кечади: нарх, товар, арзон, қиммат, сифатли ва сифатсиз нарса (маҳсулот), зарар, фойда, бартер, валюта, банк, бизнесмен, реклама, аукцион ва ҳоказолар.

Болалар худди нозик новдага ўхшайди, новдани қай томонга эгсанг, шу томонга оғиб ўсаверади. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, болаларимизга иқтисод фанидан тўғри ва аниқ билим берайлик, токи «новдаларимиз» келажакнинг мевасидирлар. Ёш новданинг мевалари бўлғуси менежерлар, ишбилармон, тадбиркорлар, банкирлар ва жамиятимизга керак бўлган иқтисодчилар бўлиб етишсинлар.

Феруза СОБИРОВА,
республика Таълим маркази иқтисодий таълим бўлими бошлиғи,

Зулайҳо АСАДОВА,
услубчи

Ta'limda tadbirkorlik

«МУАЛЛИМ»НИНГ МЕҲРИБОНЛИГИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилар экан, ҳаётимизнинг барча соҳасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни эгаллаш замон талабига айланмоқда. Бугунги кунда халқ таълими ходимлари ҳам ўз фаолиятида тадбиркорликдан унумли фойдаланмоқдалар. Ана шундай тадбиркор жамоалардан бири Зомин туманидаги Аҳмад Яссавий номли 37-боғча-мактаб комплексидир. Мазкур боғча-мактаб комплексига тажрибали педагог Исмоил Эшбеков раҳбарлик қилади.

Кейинги йилларда бу маконда таълим-тарбия ишлари бир мунча яхшиланди. 1994 йилдан бери мактаб ўқувчилари турли фанлар бўйича республика олимпиадасида фаол иштирок этмоқдалар. Мураббий устозлар эса « Йил ўқитувчиси» курик-танловида сўнгги йилларда туманда 1, 2, 3-ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Ўқитувчиларнинг бундай ютуққа эришиши тасодиф эмас. Изланувчанлик, замон талабига мос ишлаш — бугун жамоага хос хислатдир. 1994 йилдан бери мактабда она тили ва адабиёти, инглиз тили, химия фанлари бўйича махсус синфлар ташкил этилган. 1997-98 ўқув йилидан бошлаб 9 та синфда фанлар чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиляпти. Мазкур ўқув йилида 1-синфга 20 та иқтидорли бола танлов асосида қабул қилинди.

— Хўжалигимиз ҳудудидаги болалар боғчаси маблағ етишмаганлиги туфайли ёпилиш арафасига келиб қолди, — дейди директор И. Эшбеков. — Шундан сўнг биз боғчани 1995 йил 1 мартдан бошлаб мактаб ихтиёрига олдик. Ушандан буён болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш, бинони таъмирлаш каби ишларни ўзимиз амалга оширмоқдамиз. Ҳозир болалар боғчасида 40 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

Хўш, сарфланаётган маблағ қаердан олинаяпти деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун мактаб қошида 1992 йилда «Муаллим» деҳқон /фермер/ хўжалиги ташкил этилди. Унга 1-тоифали математика ўқитувчиси Исоқ Эшбеков раислик қилади. Деҳқон /фермер/ хўжалиги дастлаб 10 гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирган бўлса, ҳозирга келиб унинг ер майдони 86 гектарга етди. Жорий йилда тадбиркорлар 72 гектар майдонга пахта экиб, яхши даромад қилдилар. Мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил олиниб, ялпи ҳосилдорлик 165 тоннага етказилди.

Деҳқон (фермер) хўжалиги қулга киритаётган даромад ҳисобидан 60 нафар ўқувчи ёзда дам олишди ва соғликларини тиклашди. Ўқувчиларнинг дам олишига 81 минг сум маблағ сарфланди. Фермер хўжалиги маблағи ҳисобидан мактаб ва боғчанинг иссиқлик тармоғи қайта таъмирланиб, унга 100 минг сум маблағ сарфланди. Фермер хўжалиги маблағи ҳисобидан мактаб ва боғчанинг иссиқлик тармоғи қайта таъмирланиб, унга 100 минг сум маблағ сарфланди. Деҳқон (фермер) хўжалиги даромади ҳисобидан ҳар ойда ота-оналардан боғча учун олинадиган бадал пули 35 фоизга арзонлаштирилди.

«Муаллим» деҳқон (фермер) хўжалиги бу йилги пахта ҳосилидан 3 миллион сум даромад олишни мўлжалламоқда. Бу даромаддан болалар боғчасининг иситиш қозонини қуриш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланилади. Шунингдек, аълочи ўқувчиларга стипендиялар, тадбиркор ва фаол ўқитувчиларга мукофотлар ташкил этилади. Деҳқон (фермер) хўжалиги айни кунда келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирламоқда. Бунинг учун унинг ихтиёрида битта ер ҳайдаш ва битта юк ташиш транспорт воситаси бор. Ҳозир келгуси йил учун 30 гектар майдонга ғалла экилди. Мактаб ва боғча эҳтиёжи учун керак бўлган гўшт, картошка, полиз ва сабзавот маҳсулотлари келгуси йилда фермер хўжалик ҳисобидан тулиқ таъминланади.

Мактаб-боғча комплекси биринчи галда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш, миллий қадриятларимизни тиклаш, билимдон ва тадбиркор ўқувчиларни тарбиялаб вояга етказиш учун астойдил курашмоқда. Бу борадаги барча ишларда Исмоил Эшбековнинг ташкилотчилик хизмати катта. Унинг ёш авлодни тарбиялаш ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларга қўшган ҳиссаси муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон мустақиллиги олти йиллигида «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Қобилжон Воҳидов Китоб туманидаги болалар санъат мактаби илмий бўлим мудири. У 1973 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг мусиқа-педагогика факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини Китоб туманидаги Ҳамза номидаги болалар санъат мактабида ўқитувчиликдан бошлади.

Мана, 24 йилдирки, бир жойдаги педагогик фаолияти даврида 4 йил ўқитувчи, 12 йил директор, 8 йилдан бери илмий бўлим мудири бўлиб, ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келиши билан бирга, у жамоатчилик асосида туман халқ суди маслаҳатчиси, мактаб халқ назорати гуруҳи раиси, туман маданият ходимлари касаба уюшмаси раиси каби бир қанча вазифаларга масъул ва ўзбек санъатининг фаол тарғиботчиларидан бири ҳамдир.

Суратда: Қобилжон ака ёш шогирдлари билан.

Bilasizmi?

ОКЕАНЛАР ЮЗАСИ ТЕКИС ЭМАС

Бир неча йил муқаддам океаншунослар илгариги фикрларга қарши ўлароқ, океанлар юзаси текис эмас, деган қарорга келдилар. Ҳинд океанида сув «тоғи» мавжуд. Иссиқ оқим Атлантикада сал кам бир ярим метр баландликда сув довонини юзага келтиради.

Франс-Пресс агентлигининг хабар беришича, Вильфранш-сюр Мер шаҳри лабораториясидаги француз олимлари сунъий ер йўлдоши ёрдамида олинган маълумотларни ишлай туриб, Урта Ер денгизининг Жазоир қирғоқлари билан Лион қўрфази ўртасидаги сув довони 7 метрдан 8 метргача етишини аниқладилар.

ЧИВИНЛАРНИНГ ЯНГИ ДУШМАНИ

Бир гуруҳ австриялик олимлар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари билан ҳамкорликда лаборатория йўли билан етиштирилган махсус қўзиқорин устида тажриба ўтказдилар. Қўзиқорин ҳашаротхўр ўсимликларга ухшаб безгак чивинлари ва искаптопарларни худди оҳанграбодек ўзига жалб этади ҳамда ўз танасига ютади.

Мильдюра шаҳрига яқин Муррей дарёси бўйидаги водийда қўзиқоринларнинг «дала тажрибаси» синаб кўрилди. Бу билан тиббиёт илми чивин ва искаптопарлар юқтирувчи безгак ҳамда бошқа касалликларга қарши курашда яна бир қумақдошга эга бўлди.

А. АЛИЕВ тайёрлади

БАЙТУЛЛОҲ ХУСУСИДА МУХТАСАР МАЪЛУМОТ

Ўзбекистонимиз ўз истиқлолига эришуви шарофати билан халқимиз тарихий маънавияти ва маърифатини тиклаш ва янада ривожлантиришда янги тарихий даврни бошлаб берди. Жумладан, истиқлолга эришганимиздан буён ҳукуматимизнинг саъй ҳаракати билан халқимизнинг азалий диний эътиқоди тикланди, ҳар йили минглаб юртдошларимиз мусулмонликнинг бешта рукнидан бири — Ҳаж сафарига боришдек муқаддас ҳуқуқларидан фойдаланиш шарафига муяссар бўлмоқдалар. Бунинг учун ҳукуматимиз Ҳаж сафарига борувчи мусулмон биродарларимизга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Шу муносабат билан сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда кўплаб диний китоблар, календарлар ва рангли плакатлар нашр этилмоқда. Шулар ичида 1997 йил календари билан биргаликда рангли тасвирда чоп этилган БАЙТУЛЛОҲ — Маккаи Мукаррама плакати алоҳида эътиборга моликдир. Табиийки, Ҳаж сафарида бўлган кўплаб юртдошларимиз Байтуллоҳни зиёрат қилганлар ва у ердаги муқаддас тош — «Ҳажарул асвад» («Қора тош»)ни қўллари билан ушлаб, юзларини суртишга ҳаракат қилганлар. Гап шундаки, кўплаб ҳожиларимиз Ҳаж сафаридан қайтганларидан кейин улар Байтуллоҳ ва айниқса, «Ҳажарул асвад», яъни «Қора тош» хусусида батафсил ахборотга эга эмасликларининг гувоҳи бўлдик. Шу боис, бу икки масала хусусида қисқача маълумот беришни лозим деб топдик.

Шуни алоҳида қайд этмак лозимки, муқаддас Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб, кўп марта бузилиб, қайта тикланганлиги ҳақида ривоят мавжуд. Бу қаср энг аввал, биринчи навбатда фаришталар тарафидан бино қилинган эди. Инсон насли дунёга келмасдан илгари, ер устида жинлардан Бани ЖОН тоифаси эга эди. Иблис шайтон шу тоифа наслидан эди. Бу тоифа ер устида кўп фитна-фасод ишларни қилди. Аллоҳ таоло қаҳр қилиб, уларни ҳалок қилишга тўртинчи қават осмон фаришталарини буюрди. Фаришталар тушиб, БАНИ ЖОН тоифасини ҳалок қилдилар. Бироқ, бу муқаддас вазифани бажаргач, фаришталарга Аллоҳ таолодан ўз маконларига қайтиб чиқишларига рухсат бўлмай, бир мунча вақт ер устида қолдилар.

Ҳадиснинг кўрсатишича, тўртинчи қат осмонда қизил ёқутдан ясалган БАЙТУЛ МАЪМУР деган бир бино бор эди. Ер устида ҳожилар Байтуллоҳни тавоф қилганларидек, фаришталар ҳам осмонда бу уйни зиёрат қилар эдилар. Шунинг учун ерда туришга буюрилган фаришталар ер устида ҳам шундоқ бир улуғ муборак бино бўлишини тилак қилдилар. Аллоҳ таоло фаришталар дуоларини ижобат килди. Байтул Маъмурнинг тўппа-тўғри тагида бир бино ясаб, уни тавоф этишга буюрди. Байтуллоҳнинг биринчи биноси шу эди.

Тарихнинг ривоят қилишича, фаришталардан кейин Отамиз ҳазрати Одам Safийюллоҳ Байтуллоҳни ИККИНЧИ бор тиклаганлар. УЧИНЧИ биноси Одам алайҳиссалом ўғиллари томонидан қурилган демишлар. ТЎРТИНЧИСИ Иброҳим Халилуллоҳ тарафидан қурилганлиги Қуръони каримда аниқ кўрсатилгандир.

Ва ниҳоят Қурайш қабиласи қайта таъмирладилар. Бу кунларда пайғамбаримизнинг муборак ёшлари 35 да бўлиб, тўлиқ йигитлик вақтлари эди. Пайғамбаримиз ҳам амакилари билан хизматда бўлдилар. Иброҳим алайҳиссалом ясаган пойдевор устидан тош қўйишиб чиқдилар. Байтуллоҳ томлари кўтарилди.

Энди «ҲАЖАРУЛ АСВАД», яъни «Қора тош»ни ўз ўрнига қўйиш вақти келди. Ҳадисларда қайд этилишича, Байтуллоҳ ер устида бино бўлган чоғида Аллоҳ таолонинг амри билан бу тош жаннатдан келтирилган.

Ҳажарул асвадни ҳазрати Иброҳим Халилуллоҳ қўйган жойларига ўрнатиш керак эди. Ҳажарул асвадни ўз жойига ўрнатиш учун кўтаришни талашиб, Қурайш халқи ўртада жанжал чиқардилар. Ҳар бир уруғ Ҳажарул асвадни ўз ўрнига қўйишда ўзини бошқасига нисбатан ҳақлироқ деб кўрсатиб, натижада орада жанжал кўтарилди. Шу пайт жамоалар орасидан чиққан оқил одамлар Ҳажарул асвадни ўрнига қўйиш жараёнида қон тўкилишига йўл қўймаслик мақсадида бир оқилона шартни ўртага ташладилар.

Бу шартга кўра Бани Шайба дарвозасидан кимки илгари Байтуллоҳга кирса, шу одамнинг ҳукмига ҳаммамиз рози бўламиз, дедилар. Бу шарт хусусида гап борганда пайғамбаримиз бу жойда йўқ эдилар. Бироқ, бу шарт эълон қилинишидан кўп вақт ўтмасдан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом юқорида зикр этилган Бани Шайба дарвозасидан кириб келдилар ва оқиллар фикрларини тинглагач, уни маъқул топиб, елкаларидан ридоларини олиб ерга ёзиб, Ҳажарул асвадни ридога солдилар ва шу ерда ҳозир бўлган ўн бир уруғ вакиллари билан биргаликда ридони баробар кўтариб ўрнига қўйдилар.

Ҳажарул асвад ўз ўрнига қўйилганда пайғамбаримиз муборак қўллари билан уни мустаҳкам ўрнаштириб қўйдилар. Шундай қилиб, пайғамбаримиз раҳбарлигида ҳамжиҳатлик билан ўз ўрнига жойлаштирилган Ҳажарул асвад Байтуллоҳни зиёрат қилувчиларнинг иймонига Аллоҳ олдида ҳамон гувоҳлик бериб турибди.

Турғунхўжа ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети маънавият ва маърифат марказининг бошлиғи, доцент

Xullas...

МУШУКВОЙ ЖАСОРАТИ

Америконинг Арлеан шаҳрида бир мушукча автомашинанинг бампери остидаги музга ёпишиб олиб, 30 соат йўл юрган. Эҳтимол, сабр-қаноатли мушуквой бундан ҳам кўп вақт йўл юриши мумкин эди-ю, бироқ унга машина эгасининг «Бобе» исмли итининг «раҳми» келди. Яъни, машинани айланиб безовта бўлаётган итнинг мақсадини тушуниш учун ёрдамга келган хўжайин мушукчани кўриб қолади. Ва бампер остидаги муз «асир»ини қутқариб олади. Қизиғи шундаки, мушукчанинг ҳали ҳам ўнлаб сичқонларга ҳарбизарб айтишга қудрати етарли эди.

ШЎРЛИК БОҒБОН

Эндиги ёзиладиган жумлаларимизни ўқисангиз, халқимизнинг машҳур бир нақли эсингизга тушиши аниқ. Халқ айтмишким, «Тилаб олган эримни, эчки тепиб ўлдирди».

Озар ороллaридан бирининг майдони 20 квадрат километр. Маълумки, энди орол бўлгандан кейин обҳаво ҳам ўзгача бўлади. Тўғри-да, у ерда транспорт юрмаса, чиқинди ташланмаса. Лекин яқинда шу оролга ҳам эҳтиёж туфайли битта трактор олиб келинган эди. Фалокатни қарангки, оролнинг энг тажрибали боғбони бўлмиш 80 ёшли отахон Бараникас шу трактор қурбони бўлди. Энди эса орол маъмурияти, ҳудудда йўл ҳаракати белгиларини ўрнатишмаганига афсусланиб ўтирибди.

СОҚОЛ ҲАМ ШУНЧА ЎСАРКАН...

Агар одамзот соқолини умр бўйи қиртишламаса, тахминан 8 метр 32 сантиметр ўсаркан. Бу эса 3 қаватли уйнинг баландлигига баробардир. Шунинг учун соқол тез-тез қиртишлаб турилади ва юз қиртишлашлар одам умрининг охиригача ўртача 17 минг марта такрорланади.

Хитойлик Чи Па Сан эса атиги 44 йилдан буён соқолига устара текизмаган. Унинг соқоли 2 метру 80 сантиметрга ўсган. Бу эса атиги 0,4 килограммни ташкил этаркан.

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ЯПОНИЯДА...

Газетамизнинг ушбу сонида ўқувчиларимизни 1998 йилда дунё миқёсида бўлиб ўтадиган энг муҳим мусобақалар рўйхати билан таништиришга бел боғладик.

Йилнинг дастлабки энг нуфузли мусобақаси — XVIII қишки Олимпиада ўйинлари 7—22 февраль кунлари Японияда бўлиб ўтади. Спортчилар 13 тур бўйича ўзаро синашишади.

ФРАНЦИЯДА...

Оврупанинг жудаям тараққий этган ушбу мамлакатида дунё миқёсидаги энг долзарб ва қизиқарли мусобақа — футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Иштирокчилар маълум, яъни 32 мамлакат терма командаси. Ғолиб йилнинг энг яхши терма командаси номига сазовор бўлади.

РОССИЯДА...

Айни ёз чоғи — 10 июлдан 20 июлга қадар Россия пойтахти — Москвада I Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Унда ёш спортчилар 15 тур бўйича ўзаро куч синашадилар. Мусобақаларда бизнинг юртдошлар ҳам иштирок этади.

АҚШда...

Ушбу сеҳрли мамлакатда бир неча йиллардан буён бутун дунё спортчилари ишқибозлар ҳайратини, қизиқишини ошириб келаётган Яхши ният ўйинлари ўтказилади. Мақсад — кўҳна дунёни — яшартириш, дўст, қадрдон бўлиш, покланиш. Мусобақалар июль ойида бўлиб ўтади.

АВСТРАЛИЯДА...

Мамлакатда ЮНЕСКО ташаббуси билан III Бутунжаҳон миллий спорт турлари ва ўйинлари фестивали 1 декабрдан 10 декабрга қадар давом этади. Унда ҳозирги тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, 100 дан ортиқ мамлакат делегацияси қатнашади.

МАШҲУР КИШИЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ҲАЁТИДАН

АҚШда «Машҳур кишилар альманах»и чоп этилди. Унда турли хил соҳа одамлари билан бир қаторда америкалик президентларнинг ҳаётидан ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилган.

***

Жорж Буш 18 ёшидаёқ ҳарбий денгиз флотида учувчи бўлиб, иккинчи жаҳон урушида офицер бўлган.

Теодор Рузвельт иложсизликдан «Максвелл хауз» номли кофе фирмасини очган. Бунга унинг ушбу ичимликка ҳаддан ташқари шинавандалиги сабаб бўлган.

Дуайт Эйзенхауер ҳарбий академияда таҳсил олган даврида, унинг устидан ҳарбий лавозими юқори кишилар кўп шикоят қилишаркан. Чунки у «ёввойи рақс»ни жудаям яхши кўраркан. У хоҳлаган пайтида, то чарчагунича рақсга тушаверар-каркан.

Гарри Трумэн ҳеч бир коллеж эшигини очмаган XX асрдаги бирдан бир президент.

Жейм Бьюкенен мутлақо уйланмаган. Бутун ҳаёти даврида бўйдоқ ўтган. Бир аёл билан ваъдалашган экан, аммо у бўлажак президентни бировдан рашк қилиб ўзини ўлдирган.

Жон Тайлер энг кўп болали президент. Икки хотинидан 15 та фарзанди бўлган.

Гэллап социологик институтининг тадқиқотларига суянсак, бугунги кунда жамоатчиликнинг айрича эътиборини қозонган киши эркаклар орасида Билл Клинтон, аёллардан эса унинг рафиқаси Хиллари хоним эканлар. Ушбу руйхатни собиқ президент Жимми Картер, Нельсон Мандела, Рим папаси Иоанн Павел II, Жорж Буш ва Рональд Рейганлар давом эттирса, аёллар орасида эса иккинчи уринни Тереза Она, ундан кейин Барбара Буш, Маргарет Тэтчер, Опри Винфрей ва марҳума Диана хоним эгаллайдилар.

Михаил Горбачёвнинг бошидаги нор Бирма республикасининг давлат рамзига айнан ухшаш эканлигини бирмалик астрологлар исботлашди. Ҳаттоки улар буни бекордан эмас деб, Горбачёвни узларининг фарзанди деган хулосага келишган.

Президент Ельцинни қурилишда ишлаб юрган ёшлик чоғида рельсдан чиқиб кетган баланд минорали крандан ишчилар ҳаётини сақлаб қолган.

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ МАОШИ ҚАНЧА?

Жаҳон иқтисодий форуми экспертларининг таъкидлашича, иқтисодиётдаги барқарорлик шу мамлакатнинг сиёсатчилари ва таниқли одамларининг маошига таъсирини кўрсатмаган. Масалан, иқтисодий ва ҳарбий қуввати жиҳатидан кучли мамлакат АҚШ президентининг йиллик маоши даромади 200 минг доллар бўлса, Сингапур Бош вазирининг йиллик даромади жаҳондаги барча ҳукумат ва давлат боғчиларидан анча юқори — 810 минг доллар.

Венгрия президентининг йиллик маоши — 24,5 минг доллар.

Чехия президентининг йиллик маоши — 17,5 минг доллар.

Польша президентининг бир йиллик маоши — 28 минг доллар.

Россия президенти эса швед ишчиларидан 8 баробар, поляк ишчисидан 10-12 баробар кам маош олади экан.

Америкада ким, қанча маош олади?

Подшоларнинг маоши аниқ бўлди. Эндиликда АҚШдаги турли хил касб эгаларининг бир ҳафтадаги ўртача даромади қанча?

Ҳуқуқшунос - 990 доллар, муҳандис-химик — 807, муҳандис-механик — 766, фармацевт — 748, коллеж ўқитувчиси — 711, иқтисодиётчи — 667, ЭҲМ программисти — 606, слесарь — 593, дипломли ҳамшира — 569, полициячи — 554, ўрта мактаб ўқитувчиси — 545, химик-технолог — 530, психиатр — 523, суғурта агенти — 513, врач-терапевт — 511, техник-механик — 504, сув қувурини созловчи — 495 доллар даромад топишади. Энди буларнинг ойлик маоши қанча бўлади десангиз, 4га кўпайтиринг. Шунда ўқитувчининг маоши 2180 доллар бўлар экан.

Хорижий матбуот асосида Нурлан УСМОНОВ тайёрлади.

1998 ЙИЛ АБИТУРИЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қуйидагиларни маълум қилади:

1996, 1997 йилларда чоп этилган ва 1998 йилда чоп этиладиган журналларни ташкилотлар, муассаса ва корхоналар, шунингдек, жисмоний шахслар нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан Давлат тест марказидан (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 22-А уй), вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги марказ вакиллари орқали олиш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» марказнинг вилоятлардаги бўлимларида 1996 ва 1998 йил журналларига обуна бўлишлари, шунингдек, савдо шахобчалари орқали олишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар 55-98-29, 55-95-73.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Республика Таълим марказида 1998 йил 15 январдан «Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси»ни ўргатиш курслари фаолият кўрсатади.

Курс 36 соатга мўлжалланган.

Машғулотларни Таълим марказида ёки шартномага кўра корхона, ташкилот, муассасалар, маҳаллалар қошида ўтказиш режалаштирилади.

Амалий машғулотларни етук олимлар, мутахассис методистлар олиб боради.

Талабномалар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 80.
Республика Таълим маркази.

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КОЛЛЕЖИ ҚОШИДА — IX ва XI синфни битирган ҳамда битирувчи ўғил-қизлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича пуллик

ТАЙЁРЛОВ КУРСИ ОЧИЛДИ:

1. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш.
2. Тижорат фаолияти.
3. Сув таъминоти ва оқава тармоқлари ускуналаридан фойдаланиш.
4. Шаҳар электр транспортини ишлатиш, таъмирлаш ва электр қуввати билан таъминлаш.
5. Бино ва иншоотларнинг электромеханик ускуналарини ва автоматик қурилмаларини ишлатиш.
6. Ёғочга ишлов бериш технологияси.
7. Меъморчилик.
8. Бино ва иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш.
9. Қурилиш буюмлари ва темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқариш.
10. Газ таъминоти тизим ускуналаридан фойдаланиш.
11. Вентиляция ва ички санитария-техника тизими ва ишлаб чиқариш жиҳозларини ўрнатиш, уларга техник хизмат кўрсатиш.
12. Қукаламзорлаштириш, боғ ва хиёбонлар хўжалиги.
13. Бухгалтерия ҳисоби.

Машғулотлар 1998 йил 16 февралдан бошланиб, ўзбек ва рус тилида олиб борилади.
Қўшимча маълумот учун сиртқи бўлимга мурожаат қилинг.

КОЛЛЕЖ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 32 уй.
Тел: 144-19-06.

ЭЪЛОН

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 15-ўрта мактаб томонидан 1988 йилда ШИРИНБОЕВ ДОНИЁР номига берилган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Абдураҳмон ЖУРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0905. Тиражи 53343. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6